

**ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ
ЦЕНТР ИЗУЧЕНИЯ ПРАВОВЫХ ПРОБЛЕМ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ
ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА
ИНСТИТУТЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН
МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

**ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ
ГОСУДАРСТВЕННОГО ФИНАНСИРОВАНИЯ
НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ НЕКОММЕРЧЕСКИХ
ОРГАНИЗАЦИЙ И ДРУГИХ ИНСТИТУТОВ
ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА
В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

Тошкент – 2009
«Санъат» журнали нашриёти

УДК 061.2:[336.64:34

Тузувчилар жамоаси:

Ш. М. Асьянов (раҳбар), М. Р. Абдулин

Масъул муҳаррир

Г. В. Корсун

Тақризчилар:

Д. Г. Ахрарова

Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари / Тузувчилар жамоаси: Ш. М. Асьянов, М. Абдулин; Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш Маркази, 2009. 256 б. – Тит. в. ва матн парал. ўзб. ва рус тилларида.

Нашриёт муҳаррири: Нодир Норматов

Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари.

Мазкур нашр нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа фуқаролик жамиятлари институтларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджети-дан маблағлар тақдим этиш тартибини сошлаб турувчи меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламидан ташкил топган.

Китоб кенг ўқувчилар оммаси, ва биринчи навбатда, жамоат ташкилотларининг фаоллари, ҳокимиятлар, адлия органлари ходимлари, шунингдек, давлат ва ННТ нинг ижтимоий шерикчилиги, Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятининг ривожланишига доир масалалар билан қизиқувчи фуқароларга мўлжалланган.

УДК 061.2:[336.64:34

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

Кўчириб босишда мазкур китобдан олинди деб кўрсатилиши шарт.

ISBN 978-9943-322-80-6

© Ҳуқуқий муаммоларни
ўрганиш Маркази (Тошкент ш.).

ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ
ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА
ИНСТИТУТЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН
МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

**Тошкент – 2009
«Санъат» журнали нашриёти**

МУНДАРИЖА

КИРИШ 9

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРНИ ДАВЛАТ ТО- МОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХА- НИЗМЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 03.01.2007 й. № ЎРҚ-76
«Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари
тўғрисида» 15

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палата-
си Кенгашининг 10.07.2008 й. № 843-І Ўзбекистон Республика-
си Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 10.07.2008 й. № 515-
І Қўшма Қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
хузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик
жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамо-
ат фондининг вазифаларини амалга ошириш учун зарур нор-
матив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси хузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари-
ни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-
қувватлаш Жамоат Фонди маблағларини бошқариш бўйича
Парламент комиссиясининг таркибини тасдиқлаш тўғрисида . . . 21

Қўшма қарорга 1-ИЛОВА Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини
ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-
қувватлаш жамоат фонди тўғрисида НИЗОМ 22

Қўшма қарорга 2-ИЛОВА Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини
ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-
қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Пар-
ламент комиссияси тўғрисида НИЗОМ 32

Парламент комиссиясининг 2008 йил 2 октябрдаги йиғилиши
баённомасига 2-Илова Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва
фуқаролик жамияти бошқа институтларининг лойиҳаларини
сифатли танлаш бўйича мустақил эксперт гуруҳи тўғрисида
НИЗОМ 38

Парламент комиссиясининг 2008 йил 2 октябрдаги йиғилиши
баённомасига 3-Илова Ўзбекистон Нодавлат нотижорат
ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг
лойиҳалари танловини ва саралашни ўтказиш тартиби тўғриси-
да НИЗОМ 40

Парламент комиссиясининг 2008 йил 3 декабрдаги йиғилиши баённомасига 3-Илова Нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида ижтимоий буюртмаларни тақсимлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ	44
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари лойиҳаларининг танлови ва саралашини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-Илова Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун грант олиш танловида иштирок этиш учун аризанинг намунаси	46
Парламент комиссиясининг 2008 йил 2 октябрдаги йиғилиши баённомасига 4-Илова Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди субсидияларини ажратиш учун аризалар намунаси	48

ННТ ҲИСОБОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 24.11.2008 й. № ПҚ-1005 Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник қўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш Департаментини ташкил этиш тўғрисида	53
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 30 майда 1960-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирининг 2009 йил 30 апрелдаги 47-сонли буйруғига ИЛОВА Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигига инсонпарварлик ёрдами ва техник қўмаклашиш воситаларини олувчилар томонидан банк ҳисобварақларидан кўчирмалар ва инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник қўмаклашиш воситалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш Қоидалари	56
Қоидаларга 1-ИЛОВА Жалб этилаётган инсонпарварлик ёрдами ва техник қўмаклашиш воситалари тўғрисидаги МАЪЛУМОТ*	62
Қоидаларга 2-ИЛОВА Келиб тушган инсонпарварлик ёрдами ва техник қўмаклашиш воситалари тўғрисидаги МАЪЛУМОТ*	63
Қоидаларга 3-ИЛОВА Инсонпарварлик ёрдами ва техник қўмаклашиш воситаларининг ишлатилиши тўғрисидаги МАЪЛУМОТ*	64

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 02.02.2009 й. № 1892, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 24.12.2008 й. № 119, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқарувининг 24.12.2008 й. № 307-В, Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг 24.12.2008 й. № 6, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо Вазирлигининг 24.12.2008 й. № ЭГ-01/14-8052, Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитасининг 24.12.2008 й. № 01-02/5-61 ҚАРОРИ «Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник қўмаклашиш воситалари олувчиларнинг ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича Қоидаларни тасдиқлаш ҳақида» 65

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 2 февралда 1892-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат статистика қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 24 декабрдаги 119, 307-В, 6, ЭГ-01/14-8052, 01-02/5-61-сонли қарорига 3-ИЛОВА «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник қўмаклашиш воситалари олувчилар томонидан тақдим этиладиган ҳисобот шаклларини тўлдириш бўйича ҚОИДАЛАР» 66

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИГАН ИЖТИМОЙ ЖАМҒАРМАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 23.04.1993 й. № ПФ-596 Ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида 73

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 04.03.2000 й. № 74 «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган Халқаро хайрия жамғармаси фаолиятини таъминлаш Чора-гадбирлари тўғрисида 74

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 мартдаги 74-сон қарорига 5-ИЛОВА «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси тўғрисида НИЗОМ 77

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 31.12.1997 й. № 585 «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасини ташкил этиш тўғрисида 84

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 декабрдаги 585-сон қарорига ИЛОВА «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси тўғрисида НИЗОМ	87
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 25.05.2004 й. № ПФ-3434 Ўзбекистон Хотин-Қизлар Қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча Чора-тадбирлар тўғрисида	93

ДАВЛАТ БУЮРТМА – ТЕНДЕР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 21.11.2000 й. № 456 Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш Чора-тадбирлари тўғрисида	99
Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон қарорига ИЛОВА Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисида НИЗОМ	101

КИРИШ

Нодавлат нотижорат ташкилотлар Ўзбекистонда замонавий фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократияни оёққа туриши, фуқаролар ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоя қилишда муҳим яратувчилик ролини ўйнайди. Иқтисодийнинг ривожланиши ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ, умуммиллий ва минтақавий масалаларни ҳал қилишда ҳам уларнинг ҳиссаси тобора сезиларли бўлиб бормоқда. ННТ шаклланаётган тармоғининг мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий вазиятга таъсири, бевосита нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат ижроия ва ваколатли органлари, шунингдек маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ўзаро муносабатларига боғланган.

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ташаббускор дастурлари аҳолини ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, бепул ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, кўллаб-қувватлашга муҳтож шахсларни (ногиронлар, болалар) ҳимоя қилиш, уларга муайян моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга йўналтирилган эди. Аслида гап, ҳаётининг мазмуни ижтимоий муносабатларнинг инсонпарварлиги, шахс манфаатларининг бирламчилик ҳуқуқи йўлида беғараз фаолият олиб борадиган, хайр-эҳсон қилувчи ижтимоий-фаол одамларнинг моддий ва маънавий саховатпешалиги ҳақида бормоқда.

Ўзбекистонда адлия органлари томонидан беш мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлар рўйхатга олинган, бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам фаол иш олиб бораётгани ва ўзларининг низомий вазифаларини ҳал этаётгани йўқ. ННТ фаолиятсизлигининг бош сабабларидан бири – молиявий воситаларнинг етишмаслиги, кўплаб, айниқса оммавий ижтимоий ташаббусларни ҳаётга тадбиқ этишдаги қийинчиликларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Гап энг аввало, ННТ фаолияти ва унинг имконияти мавжудлиги хусусида бормоқда. Ижтимоий буюртма кўринишидаги давлатнинг кўллаб-қувватлашига эга бўлмаган ҳолда, халқаро ташкилотларнинг грантларини кўлга киритишдаги мураккабликлар туфайли, ўзлари пул ишлаб топиш имкониятидан ҳам маҳрум бўлган, кўплаб ННТ лар фақатгина қоғоздагина мавжуд холос. Шунга қарамай, келажакда нотижорат ташкилотларнинг ривожланиш истиқболи умид уйғотади: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари онгининг шаклланиши тезкор суръатлар билан кетмоқда. Бироқ, давлатнинг демократик қиёфаси ривожланишининг асосини белгилаб берувчи энг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланмиш – фуқаролар кўнгилли бирлашмалари ижтимоий ташаббусларининг замини ҳам, яна

бир қарра нотижорат ташкилотларни етарли даражада молиявий қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиши, ижтимоий шерикчиликнинг ўзгинаси бўлиб, бунда томонлар давлат ва фуқаролар фаровонлигини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштирадилар, ва бу ўринда давлат ўзи учун мураккаб бўлган ёки ННТга бирлашган аҳоли фаол қатламларининг кенг қўллаб-қувватлашсиз уддалаб бўлмайдиган вазиятларда, ННТга ён бериб, айрим ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ҳуқуқини тақдим этади.

Жумладан, ННТ ни молиялаштириш механизмлари ишлаб чиқиладиганда, ва биринчи навбатда, ёрдамга берилган пуллар(субсидиялар)дан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда ННТ фаолиятини молиялаштириш учун давлат буюртмалари механизмларини кўпайтириш орқали амалга ошириладиган тадбир, энг самарали йўллардан бири саналади.

Умумқабул қилинган ва жаҳон амалиётида, шунингдек Ўзбекистонда ҳам энг муҳим саналган усул, ННТ ни давлат томонидан молиялаштириш механизмларидан бўлиши, давлат субсидиялари (ёрдам пуллари), давлат грантлари ва давлатнинг ижтимоий буюртмалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» ги Қонуни (03.01.07 й.) ННТ фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кўзда тутуди, ушбу қўллаб-қувватлашнинг асосий механизмларини (Парламент Комиссияси ва мазкур Комиссия қошидаги Ижтимоий жамғарма орқали) белгилаб беради, Давлат субсидиялари (ёрдам пуллари), Давлат гранти ва Давлатнинг ижтимоий буюртмаси каби тушунчалар моҳиятини очиб беради.

Жумладан **субсидия орқали** Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети маблағлари, давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳисобидан, нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш ва махсус лойиҳалар билан боғлиқ бўлмаган ишлар учун тақдим этиладиган молиявий ёки бошқа моддий кўмаклашиш тушунилади.

Давлат грантлари – бу пул маблағлари ва моддий ресурслардан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, ижтимоий фойдали мақсадларга эришиш учун йўналтирилган лойиҳаларни ҳаётга жорий қилиш учун танлов асосида нодавлат нотижорат ташкилотларга тақдим этилади.

Давлатнинг ижтимоий буюртмаси тушунчасининг моҳияти – нодавлат нотижорат ташкилотлар учун ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни жорий қилишга доир тадбирларни ўтказиш ёки ишларни бажариш каби давлат буюртмасини амалга ошириш тушунилади, бу ишлар давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасида шартнома тузиш орқали йўлга қўйилади.

Субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар ажратиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги ННТ ни қўллаб-

қувватлаш бўйича Ижтимоий Жамғарма ва фуқаролик жамиятларининг бошқа институтлари маблағларини тақсимлаш Тартиби билан белгиланади (Парламент Комиссиясининг 11.07.2008 йилдаги № 1 баённомаси ва 02.10.2008 йилдаги № 2 баённомасига илова).

Республиканинг давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар (ҳар йили 4 миллиард сўм ёки 2,5 миллионга яқин АҚШ долларини ташкил қилади) Парламент Комиссияси томонидан ННТ лар мурожаати асосида тақсимланади.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир маблағларни тақсимлаш механизми фаолиятининг етарли даражадаги қонуний таъминоти мавжуд бўлишига қарамай, Парламент Комиссияси ва Ижтимоий Жамғарма фаолиятининг тажрибаси ҳали унча катта эмас. У ташкил бўлганига эндигина бир йил бўлди. Шунинг учун ҳам саволлар бор ва улар пайдо бўлмоқда, уларга эса, шубҳасиз, жавоблар излаб топиш лозим.

Масалан, давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир маблағлар тақсимланишида минтақалар манфаати қандай ва қай даражада ҳисобга олинади?

Пул маблағларини сарфлашдаги самарадорликни аниқлашга доир мезонлар (механизмлар) мавжудми?

Ҳар бир ННТ учун сарфланган пуллар ҳақидаги маълумотларнинг аниқлигини, муайян ННТ томонидан олинган муайян сумма ва уларга қўйилган вазифалар, ҳамда лойиҳалар ижроси, буюртмалар натижаси ва бошқаларни бажаришга доир масалаларда очиқ-ойдинликни қандай таъминлаш мумкин?

Парламент Комиссияси ва Ижтимоий Жамғарманинг ҳисоботлари қаерда ва қандай эълон қилинади, Парламент Комиссияси, Ижтимоий Жамғарма ва беш мингта ННТ нинг қарши алоқаси ва қулайликларини қандай таъминлаш мумкин?

ННТ ни маҳаллий бюджет ҳисобидан қўллаб-қувватлашга доир, шунга ўхшаш депутатлик комиссиялари ва ижтимоий жамғармаларни вилоятларда ташкил қилиш истиқболлари қандай?

Бу шунчаки беҳуда айтилган саволлар эмас, ва бутун жаҳон ҳамжамияти амалиёти давлат бюджети маблағларини тақсимловчи таркиблар фаолияти очиқ-ойдин бўлиши, уларнинг ҳисоботи ва охир оқибатда давлат томонидан кўрсатиладиган ёрдам маблағларини мумкин қадар кўпсонли ННТ ўртасида адолатли тақсимлаш зарурлигидан далолат бермоқда.

Ўқувчилар эътиборига тақдим этилаётган Қўлланмада ННТ ларни давлат томонидан молиялаштиришнинг ҳуқуқий механизмлари, ННТ ларнинг олган пул маблағлари ва бошқа мулклардан фойдаланишларига доир ҳисоботлари очиб берилган. Давлат томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда иш юритадиган ижтимоий жамғармалар фаолиятининг ҳуқуқий асослари,

шунингдек давлат буюртмалари – тендерларга ижтимоий хизмат кўрсатишни ташкил қилишга доир масалалар ҳам кўриб чиқилган.

Умид қиламизки, бизнинг тўплам нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ходимлари ҳамда аъзоларига ва ҳам шунингдек, ҳамкорликдаги ишлар орқали ННТ ва давлатнинг ижтимоий шерикчилиги янада муваффақият билан ривожланишига бевосита боғлиқ бўлган, давлат органлари ҳамда ташкилотларнинг мансабдор шахсларига ҳам фойдадан холи бўлмайди.

*Хуқуқий муаммоларни ўрганиш
Маркази директори
Ш. М. Асъянов.*

**НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ
ТАШКИЛОТЛАРНИ
ДАВЛАТ ТОМОНИДАН
МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ**

**Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 03.01.2007 й. № ЎРҚ-76
«Нодавлат нотижорат ташкилотлари
фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»**

**Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 11 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2006 йил 1 декабрда маъқулланган**

Мазкур Қонунга ЎЗР 17.12.2008 й. ЎРҚ-191-сон Қонунига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига кафолатлар бериш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Нодавлат нотижорат
ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари
тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Ушбу Қонуннинг айрим нодавлат
нотижорат ташкилотларига нисбатан
қўлланилишининг ўзига хос хусусиятлари**

Ушбу Қонун ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, нодавлат нотижорат ташкилотларига, шу жумладан касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига нисбатан, агар уларнинг ташкил этилишини ҳамда фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонунларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, қўлланилади.

4-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш кафолатлари

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди, уларни қўллаб-қувватлаш шакллари ва шартларини белгилайди.

Юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини молиявий ёки бошқа жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари мумкин.

2-БОБ. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТЛАРИ

5-модда. Фаолият эркинлиги кафолатлари

Нодавлат нотижорат ташкилотлари қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турини ўз уставларида белгиланган мақсадлари доирасида амалга ошириши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақилдир, қонунларда назарда тутилганидан бошқа ҳолларда уларга ҳисобот бერмайди ҳамда уларнинг назорати остида бўлмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашиш тақиқланади.

6-модда. Ахборотдан фойдаланиш кафолатлари

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлашга бўлган ҳуқуқини таъминлайди.

Ахборотдан фойдаланиш тегишли материалларни эълон қилиш йўли билан ҳамда уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириш мақсадида зарур ахборотни олиш учун давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқининг нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рўёбга чиқарилиши орқали таъминланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг сўровига иложи борица қисқа муддатда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, сўров олинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жавоб қайтарилиши керак.

Агар орган ёки мансабдор шахс сўралаётган ахборотга эга бўлмаса, ўзи га мурожаат этган нодавлат нотижорат ташкилотига сўров олинган санадан эътиборан етти кундан кечиктирмай бу ҳақда маълум қилиши, шунингдек

имкониятга қараб, унга бундай ахборотга эга бўлган органнинг ёки мансабдор шахснинг номини маълум қилиши шарт.

Давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари нодавлат нотижорат ташкилотларига, бу ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қонун ҳужжатлари, ҳужжатлар, қарорлар ҳамда бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши шарт.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ахборот бепул берилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

7-модда. Мулк ҳуқуқи қафолатлари

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг мулки дахлсиз ва қонун билан муҳофаза қилинади. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг мол-мулки национализация, реквизиция ва мусодара қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

3-БОБ. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

8-модда. Ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш

Нодавлат нотижорат ташкилоти, ўзининг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан раддия берилишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

Агар нодавлат нотижорат ташкилотининг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айни шу оммавий ахборот воситаларида раддия берилиши лозим. Агар бундай маълумотлар ташкилотдан юборилган ҳужжатда учраса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки чақириб олиниши керак.

Ўзининг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган нодавлат нотижорат ташкилоти бундай маълумотларга раддия берилиши билан бир қаторда уларни тарқатиш натижасида етказилган зарарларнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли.

9-модда. Интеллектуал фаолият натижаларини ҳимоя қилиш

Нодавлат нотижорат ташкилотининг интеллектуал фаолиятнинг объектив ифода этилган натижаларига ва унинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситаларга бўлган мутлақ ҳуқуқи қонун билан муҳофаза этилади ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинади.

10-модда. Давлат органларининг ғайриқонуний қарорларидан, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ҳимоя қилиш

Нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда давлат божи тўлашдан озод этилади.

Давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида нодавлат нотижорат ташкилотига етказилган зарарнинг ўрни суднинг қарори асосида қопланиши керак.

**4-БОБ. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ
ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ
ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ**

11-модда. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклида қўллаб-қувватлаши мумкин.

Давлат қонун ҳужжатларига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини бошқа жихатдан ҳам қўллаб-қувватлаши мумкин.

Мамлакатда демократик ўзгаришларни янада ривожлантиришга ва бунда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этишига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, шунингдек Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилади. (ЎзР 17.12.2008 й. ЎРҚ-191-сон Қонуни тахриридаги қисм)

12-модда. Давлат субсидияси

Давлат субсидияси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш учун бериладиган ва махсус лойиҳалар билан боғлиқ бўлмаган молиявий ёки бошқа моддий кўмақдир.

Нодавлат нотижорат ташкилотларига давлат субсидияларини ажратиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан белгиланади. (ЎзР 17.12.2008 й. ЎРҚ-191-сон Қонуни тахриридаги қисм)

13-модда. Давлат гранти

Давлат гранти нодавлат нотижорат ташкилотларига ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун танлов асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бериладиган пул маблағлари ва моддий ресурслардир.

Нодавлат нотижорат ташкилотларига давлат грантларини ажратиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан белгиланади. (ЎзР 17.12.2008 й. ЎРҚ-191-сон Қонуни тахриридаги қисм)

14-модда. Давлат ижтимоий буюртмаси

Нодавлат нотижорат ташкилотларига давлат ижтимоий буюртмаси ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат органи ва нодавлат нотижорат ташкилоти ўртасида шартнома тузиш орқали ишларни бажариш ёки тадбирлар ўтказишга қаратилган давлат топшириғидан иборатдир.

Нодавлат нотижорат ташкилотларига давлат ижтимоий буюртмасини бериш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан белгиланади. (ЎзР 17.12.2008 й. ЎРҚ-191-сон Қонуни тахриридаги қисм)

5-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

15-модда. Низоларни ҳал этиш

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига кафолатлар бериш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**16-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари
фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун
ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**17-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу
Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-
ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини
таъминласин.

18-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. Каримов

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик
Палатаси Кенгашининг 10.07.2008 й. № 843-І Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг
10.07.2008 й. № 515-І Қўшма Қарори Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги нодавлат нотижорат
ташкilotларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа
институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг
вазифаларини амалга ошириш учун зарур норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
хузуридаги нодавлат нотижорат ташкilotларини ва фуқаролик
жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш
Жамоат Фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент
комиссиясининг таркибини тасдиқлаш тўғрисида**

Мазкур Қарорга ЎзР ОМ Қонунчилик палатаси кенгашининг 30.09.2008 й. 873-І-сон ва ЎзР ОМ Сенати кенгашининг 30.09.2008 й. 552-І-сон Қўшма қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкilotларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг фаолиятини самарали ташкilot этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкilotларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тўғрисидаги низом (1-илова);

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкilotларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тўғрисидаги низом (2-илова);

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкilotларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг таркиби (3-илова) тасдиқлансин.

2. Фонд фаолиятини ташкilot этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси девонининг штат жадвалига 3 та қўшимча штат бирлиги (директор, бош бухгалтер, масъул котиб) киритилсин, уларнинг таъминоти Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

**Қўшма қарорга 1-ИЛОВА Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини
ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-
қувватлаш жамоат фонди тўғрисида НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (бундан буён маънада Фонд деб юритилади) миллий ва чет эл валютасида ҳисобварақлари бор, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти – мустақил юридик шахсдир.

1.2. Фонд ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Жамоат фондлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга асосан амалга оширади.

Фонд ўз фаолиятида ошкоралик ва очиқ-ойдинликни, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ажратиладиган маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланилишини таъминлаш принципларига амал қилади.

1.3. Фонднинг тўлиқ расмий номи:
давлат тилида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди»;

рус тилида: «Общественный Фонд по поддержке негосударственных некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества при Олий Мажлисе Республики Узбекистан»;

инглиз тилида: «The Public Fund for support of nongovernmental noncommercial organizations and other institutions of the civil society of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan».

1.4. Фонд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарорига биноан ташкил этилади, унинг фаолияти мамлакатнинг бутун ҳудудида амалга оширилади.

1.5. Фонднинг юридик манзили:

Тошкент шаҳри _____

II. ФОНДНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Фонднинг мақсади мустақил нодавлат ноижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга оширишда ва жамиятни эркинлаштиришда фаол иштирок этишига кўмаклашишдан, уларни молиялаштириш манбаларини шакллантириш учун объектив шароитлар яратишдан иборат.

2.2. Фонднинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан, қонунда тақиқланмаган бошқа манбалардан олинadиган маблағларни жамлаш, улардан фуқаролик жамияти институтлари, мустақил нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, долзарб ижтимоий, иқтисодий, гуманитар муаммоларни ҳал қилишда уларнинг фаол иштирок этишига қаратилган дастурларни амалга ошириш учун фойдаланилишини ташкил этиш;

ННТнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларга ҳуқуқий, маслаҳат тарзида, ташкилий, техник ва бошқа хил ёрдам кўрсатиш, уларнинг ННТ, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг мамлакатни демократик янгилаш ҳамда модернизация қилиш жараёнларида иштирок этиши масалалари бўйича чет эллик ҳамкорлар билан алоқаларини кенгайтириш (биргаликдаги конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, тренинглар ўтказиш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва ҳоказо) билан боғлиқ лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқаришда кўмаклашиш.

III. ФОНДНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Фонд:

ўз фаолияти соҳасига доир ахборотни давлат органлари ва ННТдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олишга ва ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатишга;

юридик ва жисмоний шахслар билан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ва ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур битимлар тузишга;

мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида мол-мулкка эга бўлишга;

ихтиёрий хайриялар, ҳомийлик бадаллари, грантлар ва бошқа маблағлар олишга;

судда, бошқа муассасалар ва ташкилотларда ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга;

фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига белгиланган тартибда таклифлар киритишга;

халқаро алоқалар ўрнатишга, ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузишга ва халқаро дастурлар ҳамда лойиҳаларда иштирок этишга;

ўз номи давлат тилида ёзилган думалок муҳрга, ўз номи ёзилган штамплар ва бланкаларга ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган рамзий белгиларга эга бўлишга ҳақли.

Фонд қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

3.2. Фонд ўз олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлар ажратиш масалаларининг кўриб чиқилишида иштирок этади;

Давлат бюджети маблағлари белгиланган мақсадда сарфланишини, улардан самарали фойдаланилишини, моддий ресурслар нодавлат нотижорат ташкилотлари барқарор ва мустаҳкам ривожланиши, фуқаролик жамияти институтларининг роли ва таъсири оширилиши учун сафарбар қилинишини таъминлайди;

ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг минтакаларнинг аниқ ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этишга, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга қаратилган истиқболли, ижтимоий ва умум аҳамиятга молик дастурлари ҳамда лойиҳаларини молиялаштириш дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

фуқаролик жамияти институтларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларга ҳуқуқий, маслаҳат тарзида, ташкилий, техник ва бошқа хил ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ лойиҳалар ҳамда дастурларни амалга оширишга молиявий ёрдам кўрсатади;

фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш ҳамда миллий нодавлат нотижорат ташкилотлари ютуқларини тарғиб қилиш масалалари бўйича тадбирлар (конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар, тренинглар ва шу кабилар) ўтказади;

чет эл ноҳуқумат ташкилотлари ва халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантиради, чет эл ноҳуқумат ташкилотлари ва халқаро ташкилотлар билан биргаликда тадбирлар ўтказади, чет эллик ҳамкорлар иштирокидаги дастурлар ва лойиҳаларни рўёбга чиқаради, уларнинг грантларини аниқ ижтимоий ва умум аҳамиятга молик лойиҳаларни ҳал этишга, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришни рағбатлантиришга жалб этади;

тегишли лицензия олгандан кейин нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари учун фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг норматив-ҳуқуқий, моддий-молиявий, ташкилий ва кадрларга оид жиҳатларига бағишланган адабиётлар нашр этади;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа вазифаларни амалга оширади.

3.3. Фонд:

ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва ишбу Низомга мувофиқ амалга ошириши;

ҳар йили ҳисобот эълон қилиши, Фонднинг фаолияти ва Фонд мол-мулкидан фойдаланиш очик-ошкора бўлишини таъминлаши;

рўйхатдан ўтказувчи органлар вакиллари Фонд томонидан ўтказилаётган тадбирларда иштирок этишига имкон яратиши;

ўз фаолияти тўғрисида қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига, Фонд маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясига (бундан буён матнда Парламент комиссияси деб юритилади), шунингдек рўйхатдан ўтказувчи органларга, солиқ ва статистика органларига ҳисобот тақдим этиши шарт.

3.4. Фонд ўз фаолиятини ошкоралик ва очик-ойдинликни таъминлаш принциплари асосида амалга оширади, Давлат бюджетидан нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига бериладиган маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланилишини таъминлайди. Фонд ўз фаолияти, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш доирасида ажратилган маблағларнинг тақсимланиши ҳамда ишлатилиши тўғрисидаги ҳисоботни ҳар йили оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

3.5. Фонд юридик шахснинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча ҳуқуқларидан фойдаланади. Фонд фаолияти ва уни ривожлантириш дастури Парламент комиссияси томонидан ишлаб чиқилади ҳамда тасдиқланади.

IV. ФОНДНИНГ МОЛ-МУЛКИ

4.1. Фонднинг мол-мулкани асосий фондлар ва айланма маблағлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ қиймати Фонд балансида акс этириладиган бошқа мол-мулк ташкил этади.

4.2. Фонд маблағларини шакллантириш манбалари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг (Ўзбекистон Республикаси резидентларининг ҳамда норезидентларининг) ихтиёрийлик асосидаги ҳомийлик бадаллари, халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари ҳамда беғараз бериладиган маблағлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлардир.

4.3. Фонднинг мол-мулкидан гаров ёки мажбуриятларни таъминлашнинг бошқа воситаси сифатида, шунингдек кредитлар бериш учун фойдаланилиши мумкин эмас.

4.4. Фонд ўз мажбуриятлари бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган ўз мол-мулки билан жавоб беради.

V. ФОНДНИ БОШҚАРИШ

5.1. Фонд фаолиятига раҳбарликни қуйидагилар амалга оширади:
Васийлик кенгаши, унинг вазифаларини Парламент комиссияси бажаради;

Фонд директори – Фонд ижро этувчи девонининг раҳбари.

5.2. Парламент комиссияси

Фаолияти махсус Низом билан тартибга солинадиган Парламент комиссияси Фонд фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилишни амалга оширувчи юқори раҳбарлик органидир.

5.2.1. Парламент комиссиясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

нодавлат ноижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш учун Фонд маблағлари самарали тарзда тақсимланишини ташкил этиш, ННТ, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг таклифларини чуқур ўрганиш асосида минтақаларнинг муайян ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этишга, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга қаратилган истиқболли, ижтимоий ва умум аҳамиятга молик дастурлар ҳамда лойиҳаларни молиялаштириш дастурларини ишлаб чиқиш;

Фонд маблағларини тақсимлашда очиқ-ошкораликни таъминлаш, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ривожлантириш ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларнинг ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларда, демократик кадрятларнинг, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлашда фаол иштирок этиши масалаларини муҳокама қилишга кенг жамоатчиликни жалб этиш;

Фонд маблағлари белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланилиши, унинг томонидан молиялаштириладиган лойиҳалар ҳамда дастурлар, шу жумладан ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг молиявий мустақиллиги ҳамда барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳалар ва дастурлар устидан назоратни (мониторингни) амалга ошириш;

энг муҳим устувор дастурлар ва лойиҳаларни, ижтимоий ва умум аҳамиятга молик бошқа дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишда ННТнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлигини чуқурлаштиришга, ижтимоий ҳаётни демократлаштиришда ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ролини кучайтириш жараёнларига кўмаклашиш;

ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг эркин ҳамда мустақил ривожланишини таъминлайдиган норматив-ҳуқуқий базани,

иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

конун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа вазифалар.

5.2.2. Парламент комиссиясининг ваколатларига қуйидагилар киради:

Фонд фаолиятининг устувор йўналишлари тўғрисида қарор қабул қилиш, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш шаклларида ҳар бирига йўналтириладиган маблағларнинг – субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмаларнинг ҳажмларини белгилаш;

ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг лойиҳалари ҳамда дастурларини сифатли тарзда танлаб олиш, грант танловларини ўтказиш учун мўлжалланган эксперт гуруҳларини шакллантириш;

Фонд фаолияти ва унинг конун ҳужжатларига, Фонд тўғрисидаги низомга, Парламент комиссияси қарорларига мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириш;

Фонд тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатига таклифлар киритиш;

Фонднинг Ижро этувчи девони ва Тафтиш комиссиясини шакллантириш;

Фонднинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкидан самарали фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш;

Фонднинг ННТларни қўллаб-қувватлаш турлари бўйича йил чоракларига бўлган ҳолда бир йилга мўлжалланган даромадлари ва харажатлари сметасини, шунингдек Фонднинг бюджетини, йиллик балансини, йиллик молиявий ҳисоботини ҳамда Фонд Ижро этувчи девонининг ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Фонд фаолиятини ҳар йилги навбатдаги ёхуд навбатдан ташқари аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини жалб этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Фонд органларидан Фонд фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни талаб қилиш ва олиш;

Фонднинг Ижро этувчи девони ва бошқа органларининг Фонднинг мақсад ва вазифаларига зид қарорларининг ижросини тўхтатиб қўйиш ёки бундай қарорларни бекор қилиш;

Фонд директори лавозимига номзод тақдим этиш;

Парламент комиссияси ваколатига кирадиган бошқа масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш.

5.2.3. Парламент комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида Фонд ижро этувчи девони ва Тафтиш комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас.

5.2.4. Парламент комиссиясининг раиси ва аъзолари ўз вазифаларини жамоатчилик асосида бажарадилар.

5.2.5. Парламент комиссияси ваколатларига кирадиган масалалар Фонднинг ижро этувчи девони ёки Тафтиш комиссияси ҳал этиши учун топширилиши мумкин эмас.

5.2.6. Парламент комиссиясининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади, бу қарорлар Фонднинг ижро этувчи девони ва бошқа органлари учун мажбурийдир. Парламент комиссиясининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга.

5.2.7. Парламент комиссиясининг мажлислари заруратга қараб, лекин йилнинг ҳар чорагида камида бир марта чақирилади.

5.2.8. Парламент комиссиясининг раиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Парламент комиссиясининг фаолиятига раҳбарлик қилиш;

Парламент комиссиясининг мажлисларини чақириш;

Парламент комиссиясининг қарорларини тасдиқлаш;

Парламент комиссияси қарорлари билан ўзига Фондни бошқариш бўйича берилган ваколатларни амалга ошириш;

Парламент комиссиясининг мажлислари оралиғидаги даврда Фонд Ижро этувчи девонининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

Фонд харажатларининг тасдиқланган сметаси бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

ушбу Низом ва амалдаги қонун ҳужжатларидан келиб чиқадиган бошқа ваколатларини амалга ошириш.

5.3. Фонднинг ижро этувчи девонига Фонд директори бошчилик қилади.

5.3.1. Фонд директори:

Фонднинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади, Парламент комиссияси Раиси билан тузилган шартномада белгиланган ваколатлари доирасида Фонднинг моддий жавобгар шахси ҳисобланади ва зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши учун жавобгардир;

давлат органлари, чет эл ноҳукумат ташкилотлари ва халқаро ташкилотлар, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда Фонд номидан иш кўради;

юридик ва жисмоний шахслар билан Фонд фаолиятига тааллуқли шартномалар тузади, Фонд номидан ишончномасиз иш юритади;

Фонд харажатлари сметасини тузади ва Парламент комиссияси билан келишилган ҳолда тасдиқлайди;

Фонд ходимлари бажариши мажбурий буйруқлар, фармойишлар ва бошқа норматив ҳужжатлар чиқаради;

Фонднинг мол-мулкани, шу жумладан пул маблағларини бошқаради, Парламент комиссиясига Фонд ижро этувчи девонининг фаолияти тўғрисида йилига камида икки марта ҳисобот тақдим этади, Парламент комиссияси кўриб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва таклифлар тайёрланишини таъминлайди ҳамда мазкур комиссия томонидан қабул қилинган қарорлар ва кўрсатмаларнинг бажарилишини таъминлайди;

Фонд олдига қўйилган мақсадларга эришиш учун зарур бўлган ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган барча бошқа ҳаракатларни амалга оширади, Парламент комиссияси ваколатига қарадиган ваколатлар бундан мустасно.

5.3.2. Фонд директори Парламент комиссиясининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг қўшма қарори билан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

VI. ФОНД МАБЛАҒЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

6.1. Фонд маблағлари бевосита ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига уларнинг буюртманомалари асосида ва Парламент комиссиясининг қарорларига мувофиқ субсидиялар, грантлар, ижтимоий буюртма тариқасида ажратилади.

Муайян ННТ билан бир қаторда, уларнинг бирлашмалари ва уюшмалари – Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий уюшмаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий уюшмаси, Минтақавий сиёсат фонди, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон экология ҳаракати молиялаштиришнинг мустақил субъекти сифатида қаралади. (ЎзР ОМ Қонунчилик палатаси кенгашининг 30.09.2008 й. 873-І-сон ва ЎзР ОМ Сенати кенгашининг 30.09.2008 й. 552-І-сон Қўшма қарори тахриридаги жумла) Мазкур муассасаларга ажратиладиган бюджет маблағларидан девонларининг таъминоти, шунингдек уларнинг уставда белгиланган вазифаларини амалга ошириш учун фойдаланилади.

6.2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини тақсимлаш тартиби Парламент комиссияси томонидан белгиланади.

VII. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

7.1. Фонднинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш учун Парламент комиссияси томонидан уч кишидан иборат таркибда Тафтиш комиссияси сайланади.

7.2. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Ижро этувчи девон ва Парламент комиссиясига аъзо бўлишлари мумкин эмас.

7.3. Фонднинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш Парламент комиссиясининг қарорига биноан Фонднинг йиллик фаолияти яқунлари бўйича амалга оширилади.

7.4. Тафтиш комиссиясининг талабига кўра Фонднинг мансабдор шахслари унга Фонднинг молиявий фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

7.5. Тафтиш комиссияси Фонднинг йиллик ҳисоботлари ва бухгалтерия баланслари Парламент комиссияси томонидан тасдиқлангунга қадар уларни мажбурий тартибда текширишни амалга оширади.

VIII. ҲИСОБГА ОЛИШ ВА ҲИСОБОТ

8.1. Фонд бухгалтерия ва статистика ҳисоби ҳамда ҳисоботини юритади, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа тўловлар тўлайди.

8.2. Фонднинг ўтган йилги фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисобот ҳар йили 20 мартга қадар Парламент комиссиясига тақдим этилади. Фонднинг бухгалтерия баланси ҳисоботдан кейинги йилнинг 31 мартига қадар Парламент комиссияси томонидан тасдиқланиши керак.

8.3. Фонднинг молиявий-ҳўжалик ва тадбиркорлик фаолиятини текшириш йилига бир марта Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, рўйхатдан ўтказувчи органлар, солиқ ва бошқа органлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

8.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ Фонд ўз фаолиятининг ҳар йилги аудиторлик текширувини ўтказди.

Аудиторлик ташкилотини танлаш Парламент комиссияси томонидан амалга оширилади. Фонд фаолиятининг аудиторлик текширувига Фонднинг фаолияти билан боғлиқ шахслар аудитор сифатида жалб этилиши мумкин эмас.

IX. ЎЗГАРТИШ ВА ҚўШИМЧАЛАР КИРИТИШ

9.1. Фонд тўғрисидаги низомга қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

9.2. Фонд тўғрисидаги низомга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар, шунингдек янги таҳрирдаги Фонд тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан тасдиқланади.

9.3. Фонд тўғрисидаги низомга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта давлат рўйхатидан ўтказилади.

Х. ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

10.1. Фонд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қарорига биноан қайта ташкил этилиши мумкин.

Фондни қайта ташкил этишга фақат бошқа Фондга кўшиб юборилган, бошқа Фонд кўшиб олинган ёки бошқа Жамоат фондига кўшилишга тақдирда йўл қўйилади.

10.2. Фондни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қарори, суднинг ҳал қилув қарори асосида ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда амалга оширилади.

10.3. Фондни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати тайинлайдиган Тугатиш комиссияси томонидан амалга оширилади.

10.4. Тугатиш комиссияси Фонд жойлашган ердаги матбуот органида Фонднинг тугатилиши, тугатиш тартиби ва кредиторлар томонидан даъволарни тақдим этиш муддатлари ҳақида эълон беради.

10.5. Тугатиш комиссияси:
лозим бўлган экспертларни жалб этган ҳолда Фонднинг мол-мулкани баҳолайди;

Фонднинг кредиторлари ва дебиторларини аниқлайди ҳамда улар билан ҳисоб-китоб қилади;

учинчи шахсларга Фонднинг қарзларини тўлаш чораларини кўради;
тугатиш балансини тузади ва тасдиқлаш учун уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатига тақдим этади.

10.6. Фонднинг фаолиятини тугатиш тўғрисидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган санадан эътиборан тугатиш тамомланган, Фонд эса ўз фаолиятини тугатган ҳисобланади.

10.7. Фонднинг кредиторларнинг талаблари қондирилганидан кейин қолган мол-мулки Парламент комиссияси, Ижро этувчи девон, Тафтиш комиссияси аъзолари ёки Фонднинг ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ва ундан Фонд қайси мақсадда тузилган бўлса, ўша мақсадда ва ҳомийлик мақсадларида ушбу Низомда назарда тутилган тартибда фойдаланилади.

**Қўшма қарорга 2-ИЛОВА Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини
ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-
қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича
Парламент комиссияси тўғрисида НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси (бундан буён матнда Парламент комиссияси деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 87-моддасига мувофиқ ташкил этилади.

1.2. Парламент комиссияси бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг (бундан буён матнда Фонд деб юритилади) Васийлик кенгаши вазифаларини ҳам бажаради, Фонд фаолиятининг устувор йўналишларини шакллантиради, маскур фаолият устидан назоратни амалга оширади.

1.3. Парламент комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари орасидан, Адлия ва Молия вазирликлари тегишли тузилмаларининг, республика нодавлат нотижорат ташкилотларининг (ННТ) ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари раис, унинг ўринбосари, масъул котиб ва комиссия аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

1.4. Парламент комиссияси ўз фаолиятини амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

**II. ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИНИНГ
МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ**

2.1. Парламент комиссиясининг мақсади мустақил нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга оширишда ва жамиятни эркинлаштиришда фаол иштирок этишига қўмаклашишдан, уларни молиялаштириш манбаларини шакллантириш учун объектив шароитлар яратишдан иборат.

2.2. Парламент комиссиясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш учун Фонд маблағлари самарали тарзда тақсимланишини ташкил этиш, ННТ, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг таклифларини чуқур ўрганиш асосида минтакаларнинг муайян ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этишга, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга қаратилган истиқболли, ижтимоий ва умум аҳамиятга молик дастурлар ва лойиҳаларни молиялаштириш дастурларини ишлаб чиқиш;

Фонд маблағларини тақсимлашда очик-ошкораликни таъминлаш, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ривожлантириш ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларнинг ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларда, демократик кадриятларнинг, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлашда фаол иштироки масалаларини муҳокама қилишга кенг жамоатчиликни жалб этиш;

Фонд маблағларидан белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланилиши, унинг томонидан молиялаштириладиган лойиҳалар ва дастурлар, шу жумладан ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг молиявий мустақиллиги ҳамда барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳалар ва дастурлар устидан назоратни (мониторингни) амалга ошириш;

энг муҳим устувор дастурлар ва лойиҳаларни, ижтимоий ва умум аҳамиятга молик бошқа дастурлар ва лойиҳаларни рўёбга чиқаришда ННТнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлигини чуқурлаштиришга, ижтимоий ҳаётни демократлаштиришда ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ролини кучайтириш жараёнларига қўмаклашиш;

ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг эркин ҳамда мустақил ривожланишини таъминлайдиган норматив-ҳуқуқий базани, иқтисодий ва ҳуқуқий қафолатларни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа вазифалар.

III. ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Парламент комиссияси юқори раҳбарлик органи бўлиб ва Фонднинг Васийлик кенгаши вазифаларини бажара бориб, қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

Фонд фаолиятининг устувор йўналишлари тўғрисида қарор қабул қилиш, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш шаклларида ҳар бирига йўналтириладиган маблағларнинг – субсидиялар, грантлар ва социал буюртмаларнинг ҳажмларини белгилаш;

ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари лойиҳалари ҳамда дастурларини сифатли тарзда танлаб олиш, грант танловларини ўтказиш учун мўлжалланган эксперт гуруҳларини шакллантириш;

Фонд фаолияти ва унинг қонун ҳужжатларига, Фонд тўғрисидаги Низомга, Парламент комиссияси қарорларига мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириш;

Фонд тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатига таклифлар киритиш;

Фонднинг Ижро этувчи девони ва Тафтиш комиссиясини шакллантириш;

Фонднинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкдан самарали фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш;

Фонднинг ННТларни қўллаб-қувватлаш турлари бўйича йил чоракларига бўлган ҳолда бир йил учун мўлжалланган даромадлари ва харажатлари сметасини, шунингдек Фонднинг бюджетини, йиллик балансини, йиллик молиявий ҳисоботини ҳамда Фонд Ижро этувчи девонининг ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Фонд фаолиятини ҳар йилги навбатдаги ёки навбатдан ташқари аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини жалб этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Фонд органларидан Фонд фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни талаб қилиш ва олиш;

Фонд Ижро этувчи девони ва бошқа органларининг Фонднинг мақсад ва вазифаларига зид қарорларининг ижросини тўхтатиб қўйиш ёки бундай қарорларни бекор қилиш;

Фонд Директорини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш;

Парламент комиссияси ваколатларига кирувчи бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш.

3.2. Парламент комиссияси ваколатларига тааллуқли масалалар Фонднинг Ижро этувчи девонига ёки Тафтиш комиссиясига ҳал қилиш учун топширилиши мумкин эмас.

3.3. Парламент комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида Фонднинг Ижро этувчи девони ёки Тафтиш комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас.

3.4. Парламент комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан белгиланган муддатларда уларга бажарилган ишлар тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади.

IV. ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИНING ТУЗИЛМАСИ ВА ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ

4.1. Парламент комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан тасдиқланадиган раис, унинг ўринбосари, масъул котиб ва комиссия аъзоларидан иборат бўлади.

Парламент комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, Адлия ва Молия вазирликлари тегишли тузилмаларининг, республика ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари киради.

4.2. Парламент комиссияси раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

Парламент комиссияси аъзолари умумий сонининг 2/3 қисми талабига биноан Парламент комиссияси раисини муддатидан олдин лавозимидан озод қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатига тегишли сўровнома киритиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш тўғрисида комиссия мажлиси чақирилиши мумкин.

4.3. Парламент комиссияси раисининг ўринбосари ва масъул котиб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан тасдиқланган Парламент комиссияси аъзолари таркибидан Парламент комиссияси томонидан очиқ ёки ёпиқ овоз бериш йўли билан оддий кўпчилик овоз билан сайланади.

Парламент комиссияси раисининг ўринбосари ва масъул котибни лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги қарор Парламент комиссияси аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан очиқ ёки ёпиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

4.4. Парламент комиссияси раиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Парламент комиссиясининг фаолиятига раҳбарлик қилиш;

Парламент комиссиясининг мажлисларини чақириш ва олиб бориш;

Парламент комиссияси қарорларини тасдиқлаш;

Парламент комиссияси номидан вакилликни амалга ошириш;

Парламент комиссиясининг эксперт гуруҳлари раҳбарлари ўртасида вазифаларнинг тақсимланишини белгилаш ва тасдиқлаш;

Парламент комиссиясининг қарорлари билан ўзига Фондни бошқариш бўйича берилган ваколатларни амалга ошириш;

Парламент комиссиясининг мажлислари оралиғидаги даврда Фонд Ижро этувчи девонининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

Фонд харажатларининг тасдиқланган сметаси бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

ушбу Низом ва амалдаги қонун ҳужжатларидан келиб чиқувчи бошқа ваколатларни амалга ошириш.

4.5. Парламент комиссияси раисининг ўринбосари Раис йўқлигида унинг вазифасини бажаради, Парламент комиссияси томонидан белгиланган бошқа вазифаларни бажаради.

4.6. Парламент комиссияси масъул котиби Парламент комиссиясининг фаолияти самарали амалга оширилишини таъминлайди, мажлислар баённомаларини юритади.

4.7. Парламент комиссияси раисининг ва комиссия аъзоларининг тақдимномасига биноан Парламент комиссияси таркибига кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тасдиғига киритиш шарти билан ўзгаришлар киритилиши мумкин.

4.8. Парламент комиссияси қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун эксперт гуруҳларини тузиши мумкин. Бу гуруҳларнинг фаолияти Парламент комиссияси томонидан тасдиқланадиган қоидалар асосида амалга оширилади. Йўналишлар бўйича эксперт гуруҳларини тузишда ишга жалб этиладиган экспертларнинг профессионал ва ҳаётий тажрибаси ҳисобга олинади.

4.9. Парламент комиссияси раиси, унинг ўринбосари ва комиссия аъзолари ўз вазифаларини жамоатчилик асосида бажарадилар.

Парламент комиссияси раиси ва унинг ўринбосарининг ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлари Фонд маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин. Парламент комиссиясининг жорий фаолияти билан боғлиқ харажатлар ҳам Фонд маблағлари ҳисобидан қопланади.

V. ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИНING ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

5.1. Парламент комиссиясининг иш тартиби Парламент комиссияси томонидан белгиланади.

5.2. Парламент комиссиясининг мажлислари заруратга қараб, лекин йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади.

Парламент комиссиясининг мажлислари Парламент комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан чақирилади, улар бу ҳақда комиссия аъзоларини, қоида тариқасида, камида икки кун аввал хабардор қиладилар.

Парламент комиссиясининг мажлислари мобайнида кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш ҳуқуқи Парламент комиссияси раисига, унинг ўринбосарига ва Парламент комиссияси аъзоларига, шунингдек Фонд Директорига тегишлидир.

Парламент комиссиясининг мажлислари, агар уларда Парламент комиссияси аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатлидир.

Парламент комиссиясининг мажлисини Парламент комиссиясининг раиси ёки унинг ўринбосари олиб боради.

Парламент комиссиясининг мажлиси очик ўтказилади. Зарурат бўлганда Парламент комиссияси ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

5.3. Парламент комиссиясининг навбатдан ташқари мажлиси Парламент комиссияси раисининг ташаббуси билан, шунингдек Парламент комиссияси аъзоларининг ёки Тафтиш комиссияси аъзоларининг ёзма равишдаги талабига биноан чақирилади.

5.4. Парламент комиссиясининг барча аъзолари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар, Парламент комиссиясининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга.

5.5. Парламент комиссияси ўз ваколатлари доирасида баённома билан расмийлаштириладиган ва кўпчилик овоз билан қабул қилинадиган Қарор қабул қилади.

Парламент комиссиясининг баённомаларини масъул котиб имзолайди, раис ёки унинг ўринбосари ёхуд Парламент комиссиясининг мажлисида раислик қилган Парламент комиссияси аъзоси тасдиқлайди. Шундан сўнг Парламент комиссияси қарорлари Парламент комиссияси аъзоларига, Фондга ижро учун етказилади.

Парламент комиссиясининг қарорлари Фонднинг Ижро этувчи девони ижро этиши учун мажбурийдир.

5.6. Парламент комиссияси аъзолари комиссия мажлисларида ҳозир бўлишлари шарт. Парламент комиссияси аъзолари Парламент комиссиясининг мажлисларида иштирок эта олмасликлари ҳақида Парламент комиссияси раиси ёки масъул котибини олдиндан ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

5.7. Парламент комиссиясининг мажлисларига давлат органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, илмий муассасалар вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот, телевидение, радио ва Ўзбекистоннинг бошқа оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилиши мумкин.

VI. ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

Парламент комиссияси тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарори билан киритилади.

**Парламент комиссиясининг 2008 йил 2 октябрдаги йиғилиши
баённомасига 2-Илова Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва
фуқаролик жамияти бошқа институтларининг лойиҳаларини
сифатли танлаш бўйича мустақил эксперт гуруҳи тўғрисида
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тўғрисида»ги Низом талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг лойиҳаларини сифатли танлаш бўйича мустақил эксперт гуруҳлари (бундан буён матнда Эксперт гуруҳлари деб юритилади) фаолиятини тартибга солади.

2. Эксперт гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси (бундан буён матнда Парламент комиссияси деб юритилади) томонидан ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг лойиҳаларини олдиндан баҳолаш ва сифатли танлаш учун тузилади.

II. ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

3. Эксперт гуруҳларини тузиш пайтида жалб этиладиган экспертлар ва тегишли йўналишлар бўйича мутахассисларнинг профессионал ва ҳаётий тажрибаси ҳисобга олинади.

4. Эксперт гуруҳи таркибига нодавлат нотижорат ташкилоти ёки грант олиш учун ариза берган фуқаролик жамияти бошқа институтининг вакили киритилиши мумкин ёки у лойиҳанинг ижрочиси бўлади.

5. Эксперт гуруҳларининг таркиби Парламент комиссияси томонидан тасдиқланади ва баённома билан расмийлаштирилади.

6. Эксперт гуруҳларини тузиш ўтказиладиган танловларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда йўналишлар бўйича ўтказилади, уларнинг таркиби заруратга қўра янгилаб турилади.

7. Эксперт гуруҳининг сон жиҳатдан таркиби одатда 7–9 кишидан иборат бўлади.

III. АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР

8. Эксперт гуруҳининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:
– нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг энг муҳим гуманитар, ижтимоий-иқтисодий ҳамда

бошқа ижтимоий аҳамиятга молик муаммолар ва вазифаларни ҳал қилишга, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш учун фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган лойиҳаларни кўриб чиқиш;

- нодавлат нотижорат ташкилоти ёки фуқаролик жамиятининг бошқа институти томонидан тақдим этилган лойиҳанинг ўтказилаётган танлов устуворликлари ва шароитларига мувофиқлигини аниқлаш;
- лойиҳани амалга ошириш бўйича тавсиялар тайёрлаш;
- ҳар бир лойиҳа бўйича ёзма равишда хулосалар бериш.

IV. ИШ ТАРТИБИ

9. Эксперт гуруҳлари лойиҳаларнинг ижрочиларини ва Парламент комиссияси томонидан юборилган грантни олиш учун ариза берган шахсларни кўрсатмаган ҳолда лойиҳаларни кўриб чиқиш, олдиндан баҳолаш ва сифатли танлашга доир ишларни олиб боради.

10. Эксперт гуруҳининг иши Эксперт гуруҳи аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги, лойиҳаларни кўриб чиқишга коллегиял тарзда ва ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолис ёндашувнинг таъминланиши ҳамда ёзма хулосалар тайёрлаш принципларига асосланади. Эксперт гуруҳининг хулосаси тавсия тусига эга.

11. Эксперт гуруҳи ҳар бир лойиҳа бўйича ёзма хулосани, шунингдек уларни амалга оширишга доир мавжуд тавсияларни Парламент комиссияси белгиллаган муддатдан кечиктирмасдан тақдим этади.

12. Эксперт гуруҳининг якуний хулосасида танловни ўтказиш шартлари, унинг устуворликлари ва молиявий маблағларнинг миқдорлари талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги Эксперт гуруҳининг хулосалари акс этади.

13. Коллегиял фикрга қўшилмаган Эксперт гуруҳининг аъзоси алоҳида фикрини ёзма шаклда тақдим этишга ҳақлидир.

14. Парламент комиссияси Эксперт гуруҳининг хулосасини рад қилиш ёки уни қайта ишлаш ва қўшимча тарзда кўриб чиқиш учун қайтариш ҳуқуқига эга.

V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

15. Эксперт гуруҳларининг фаолиятини ташкилий-техник ва молиявий жиҳатидан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг ижро этувчи девони томонидан амалга оширилади.

**Парламент комиссиясининг 2008 йил 2 октябрдаги йиғилиши
баённомасига 3-Илова Ўзбекистон Нодавлат нотижорат
ташкilotлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари-
нинг лойиҳалари танловини ва саралашни ўтказиш тартиби
тўғрисида НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси-га «Жамоат фондлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкilotлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун-ларига, бошқа қонун ҳужжатларига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкilotлари ва фуқаролик жамияти-нинг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тўғрисида»ги (бундан буён матнда Фонд деб юритилади) Низомга мувофиқ ишлаб чиқил-ган ҳамда Фонд томонидан минтақаларнинг муайян ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал қилишга, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга қаратилган истиқболли социаль ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни, ННТнинг моддий-техника базасини мустақкамлаш, ННТ фа-олиятини, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларидаги иштирок этиши билан боғлиқ лойиҳаларни танлаб олиш ва молиялашти-риш тартибини белгилайди.

2. Низом Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкilotлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан грантни олиш, тақдим этил-ган лойиҳаларни саралаш ва молиялаштириш учун аризалар бериш тарти-бини белгилайди.

3. Танловга тақдим этилган лойиҳаларни саралаш ва ғолибларни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкilotлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институт-ларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси (бундан буён матнда Парламент комиссияси деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

4. Нодавлат нотижорат ташкilotлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг лойиҳаларини молия-лаштириш грант ажратиш шаклида танлов асосида амалга оширилади.

5. Нодавлат нотижорат ташкilotлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан тушган лойиҳаларни олдиндан кўриб чиқиш, сара-лаш ва баҳолаш учун Парламент комиссияси тегишли йўналишлар бўйича катта профессионал ва ҳаётий тажрибага эга бўлган мутахассислар ораси-дан эксперт гуруҳларини тузади.

6. Фонд фуқаролик жамиятини ривожлантириш устуворликларидан, давлат дастурларидан ҳамда ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институт-ларининг таклифларидан келиб чиққан ҳолда Парламент комиссиясининг

қарорларига мувофиқ турли йўналишлар бўйича грант олиш учун мунтазам танловларни ташкил этади ва ўтказиши.

II. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

7. Танловда нодавлат нотижорат ташкилоти ва фуқаролик жамиятининг танлов шартлари қўйган талабларга мос бўлган бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

8. Эълон нашр қилинганидан сўнг танловда иштирок этишни хоҳловчи нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари грант олиш учун ариза берадилар. Танлов тўғрисидаги қўшимча ахборот ва танлов ҳужжатларнинг намуналари билан танишиш учун аризалар Фонднинг ижро этувчи девонига мурожаат қилишлари мумкин. Электрон шаклдаги грантни олиш учун ариза беришга йўл қўйилади.

9. Ҳужжатларнинг белгиланган намуналарига мувофиқ грант олиш учун аризаларни олдиндан саралаш Фонднинг ижро этувчи девони томонидан амалга оширилади.

10. Куйидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига танловда иштирок этишга йўл қўйилмайди:

- тугатиш иши ниҳоясига етказилмаган ёки ташкил этиш жараёни тамомланмаган;
- танловда иштирок этиш учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- илгари амалга оширилган лойиҳалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни лозим даражадаги тартибда бажармаган.

11. Танловда иштирок этишга қўйилмаган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига грант ва лойиҳаларни олиш учун берган аризалари қайтарилмайди.

III. ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

12. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш Фонднинг ижро этувчи аппарати томонидан танловни ўтказиш устуворликлари, шартлари, молиявий маблағларнинг миқдорларига ҳамда Парламент комиссияси белгилайдиган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

13. Фонднинг ижро этувчи девони:

- танловни ўтказиш тўғрисидаги эълонни оммавий ахборот воситаларида нашр қилади (1-илова);
- нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг грант олиш учун берадиган аризаларини қабул қилади (2-илова), уларнинг ҳисобга олиниши, сақланиши ва махфийлигини таъминлайди;

– олдиндан саралаш ва эксперт комиссиясининг баҳолаши учун зарур бўлган ҳужжатларни йиғиш, умумлаштириш ва расмийлаштиришни ташкил этади;

– жалб этиладиган экспертларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

– узил-кесил қарор қабул қилиш учун Парламент комиссиясининг зарур танлов ҳужжатларини юборади;

– танлов ғолиби билан шартнома тузишга доир ишларни ташкил этади.

14. Оммавий ахборот воситаларидаги эълон қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

– тақдим этиладиган лойиҳаларнинг предмети ва устувор йўналишлари;

– танловни ўтказиш шакли;

– ажратиладиган грантларнинг миқдорлари;

– нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг танловда иштирок этишини расмийлаштириш шартлари ва уни ўтказиш тартиби;

– танловни ўтказиш вақти ва жойи.

IV. ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ РЕГЛАМЕНТИ

15. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг гранти ва лойиҳаларини олиш учун берилган аризаларни кўриб чиқиш ҳамда Фонднинг ижро этувчи девони томонидан зарур ҳужжатларни расмийлаштириш муддатлари Парламент комиссияси томонидан белгиланади.

16. Грант олиш учун аризалар ва уларга илова қилинган лойиҳалар ушбу Низом талабларига ва танловнинг эълон қилинган шартларига мувофиқ қабул қилинади. Ушбу Низом талабларига ва танловнинг эълон қилинган шартларига риоя қилмаслик топширилган ҳужжатларни кўриб чиқмасдан қолдиришга сабаб бўлади.

17. Грант олиш учун аризалар Фонднинг ижро этувчи девони томонидан бойланган ва рақамлаштирилган рўйхатга олиш дафтарида рўйхатга олинади.

18. Танловда иштирок этишга рухсат берилмаган ҳамда танловда иштирок этиш учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган аризачиларга ва лойиҳаларнинг ижрочиларига ёзма хабарнома юборилади.

V. ТАНЛОВ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ

19. Лойиҳаларни олдиндан саралаш ва баҳолашни ўтказиш учун Парламент комиссияси Эксперт гуруҳларини тузиши мумкин.

20. Танлов лойиҳаларини баҳолаш ва саралаш Парламент комиссияси томонидан ошқора амалга оширилади. Зарурат бўлганда Парламент комис-

сияси ёпиқ муҳокама ўтказиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир танлов лойиҳаси бўйича очиқ овоз бериш йўли билан асослантирилган қарор қабул қилинади.

21. Грант олиш учун аризаларни саралаш ва баҳолаш, лойиҳаларни кўриб чиқиш мобайнида Парламент комиссияси аризачиларни жалб қилиши, улардан кўшимча маълумотларни сўраши ва кўшимча тушунтиришлар олиши мумкин.

22. Парламент комиссияси эксперт гуруҳларининг хулосаларини кўриб чиқиб, танлов ғолибларини аниқлайди ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг лойиҳаларини молиялаштириш тўғрисида қарор қабул қилади.

23. Парламент комиссиясининг танлов ғолиблари тўғрисидаги қарори баённома билан расмийлаштирилади ва мазкур лойиҳаларни молиялаштириш учун Фонднинг ижро этувчи девонига юборилади.

24. Парламент комиссияси танлов ғолибларини аниқлаган кундан эътиборан уч кун ичида унинг натижалари Фонднинг ижро этувчи девони томонидан оммавий ахборот воситаларида ва фонднинг расмий сайтида эълон қилинади.

VI. ТАНЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

25. Фонднинг ижро этувчи девони Парламент комиссиясининг қарори асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун грант ажратиш тўғрисида шартномаларни тайёрлаш ва тузишни таъминлайди (3-илова).

**Парламент комиссиясининг 2008 йил 3 декабрдаги йиғилиши
баённомасига 3-Илова Нодавлат нотижорат ташкилотлари
(ННТ) ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида
ижтимоий буюртмаларни тақсимлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида ижтимоий буюртмаларни жойлаштириш тартибини белгилайди.

2. Ижтимоий буюртма давлат органларининг тақлифига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг (бундан буён матнда Парламент комиссияси деб юритилади) қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (бундан буён матнда Фонд деб юритилади) ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида шартнома тузиш йўли билан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун ишлар бажариш ёки тадбирлар ўтказиш учун топшириқдан иборатдир.

3. Ижтимоий буюртма қонунда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ва камида бир йил мобайнида фаолият юритаётган ННТ ўртасида жойлаштирилади.

**II. ИЖТИМОИЙ БУЮРТМАЛАР УЧУН АЖРАТИЛАДИГАН
МАБЛАҒЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ**

4. Парламент комиссияси жойларда ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ҳар йили 15 июнга қадар ННТ, мамлакат кенг жамоатчилиги, шунингдек ҳокимликлар ва бошқа давлат бошқаруви органларининг тақлифларини ўрганишни ташкил этади.

5. Ўрганиш якунларига кўра Парламент комиссияси маблағлар ҳажмини белгилайди ва бюджет талабномасини тузади, шунингдек ҳар йилнинг 20 июнига қадар уни кейинги йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг лойиҳасига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида бу талабномани кўриб чиқади ва кейинги йилги Давлат бюджети маблағлари ҳажмларига киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари республика Давлат бюджетини тасдиқлаш пайтида Парламент комиссиясининг

ННТни қўллаб-қувватлаш учун маблағлар ажратиш тўғрисидаги таклифини кўриб чиқади ҳамда «ННТни қўллаб-қувватлаш харажатлари» моддасига биноан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш ва тадбирлар ўтказишга ННТ учун маблағлар ҳажмини тасдиқлайди.

III. ННТ ЎРТАСИДА ИЖТИМОЙ БУЮРТМАЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

8. ННТ фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ижтимоий буюртмаларни жойлаштириш ушбу Низомнинг иловасида келтирилган чизмага биноан амалга оширилади.

9. Давлат бюджети тасдиқланганидан сўнг Фонд 10 кун ичида, тасдиқланган бюджет доирасида, Парламент комиссиясига ННТ ўртасида ижтимоий буюртмаларни жойлаштиришга доир таклифларни тақдим этади.

10. Парламент комиссияси, Фонддан таклифларни олганидан сўнг, 5 кун ичида молиявий маблағларнинг устуворликлари, шартлари ва ҳажмини тасдиқлайди, шунингдек ижтимоий буюртмаларни жойлаштириш учун ННТни белгилайди. Фонд улар билан тегишли Шартномалар тузади.

11. Фонд ННТ билан тузилган шартномалар асосида ижтимоий буюртмаларни молиялаштиришни амалга оширади. ННТ ўртасида ижтимоий буюртмаларни жойлаштириш оммавий ахборот воситаларида ёритилади.

IV. ИЖТИМОЙ БУЮРТМАЛАР ЖОЙЛАШТИРИЛГАН ННТНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

12. Ижтимоий буюртмалар жойлаштирилган ННТнинг раҳбарлари ажратилган маблағлардан тўғри ва мақсадли фойдаланилиши, шунингдек шартномада кўрсатилган ижтимоий аҳамиятга молик ишларни сифатли ва ўз вақтида бажариш ҳамда барча тадбирларни ўтказиш учун жавобгардир.

13. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

14. Ижтимоий буюртмаларни бажариш учун маблағлар олган ННТ Шартномада кўрсатилган тартибга ва муддатларга мувофиқ Фондга ажратилган маблағлардан фойдаланиш бўйича ҳисоботларни тақдим этади. Фонд, бюджет ташкилотларининг ҳисоботларини тақдим этиш тартибига биноан, ҳар чорақда Молия вазирлигига ажратилган маблағлардан фойдаланиш бўйича ҳисоботларни тақдим этади. Ижтимоий буюртмаларни амалга ошириш учун ажратилган, аммо фойдаланилмай қолган маблағлар ижро этиш муддати тугаганидан сўнг Фондга қайтарилади.

15. Ажратилган маблағлардан мақсадли ва тўғри фойдаланилиши устидан назорат белгиланган тартибда Фонд томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари лойиҳаларининг танлови ва саралашини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-Илова
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун грант олиш танловида иштирок этиш учун аризанинг намунаси

1-бет – Титул varaғи

Танловнинг номинацияси	
Лойиҳанинг номи	
Аризачи ташкилотнинг номи	
Аризачи тўғрисидаги тўлиқ ахборот (ташкилотнинг лицензияси, гувоҳномаси, алоқа ахбороти: юридик ва амалдаги манзили, телефони, факси, сайт манзили)	
Ташкилот раҳбарининг Ф. И. О. ва лавозими	
Лойиҳа раҳбарининг Ф. И. О. ва лавозими	
Ташкилот раҳбарининг алоқа ахбороти: манзили, телефони (албатта, коди билан), E-mail	
Ташкилот бухгалтерининг ҳам Ф. И. О.	
Ташкилот бухгалтерининг алоқа ахбороти: манзили, телефони (албатта коди билан), E-mail	
Лойиҳани амалга ошириш муддатлари (бошланиш санаси – тугалланиш санаси)	
Сўралаётган сумма (сўм)	
Қўшимча молиялаштириш мавжудлиги	

Лойиҳанинг мазмуни

Лойиҳанинг қисқача мазмуни	
Муаммони қўйиш (лойиҳанинг зарурлигини тавсифлаш, бир бетдан ошмаслиги керак)	
Аризачининг мазкур соҳадаги тажрибасини тавсифлаш (грантга оид тарих ҳам шунга қиради)	
Лойиҳанинг мақсади	

Лойиханинг вазифалари:

Лойихани бажаришнинг календарь режаси

Тадбирлар	Вақтинчалик муддатлар

Лойиханинг кутилаётган натижалари	
-----------------------------------	--

Лойиханинг умумий бюджети, шу жумладан мавжуд қўшимча молиялаштириш манбалари (сўм)

Номи	Баҳоси	Қиймати

Тўловлар жадвали	
Сана	
Аризачи ташкилот раҳбарининг имзоси	
Ташкилотнинг муҳри	

НТТ резюмесининг шакли:

1. Уставга биноан ташкилотнинг тўлик номи (ўзб., рус., инглиз).
2. Раҳбар ҳамда ходимларнинг Ф. И. О. ва алоқа маълумотлари.
3. Рўйхатга олиш рақами, рўйхатга олиш санаси ва рўйхатга олувчи орган.
4. Агар бор бўлса, юқори турувчи ташкилотни кўрсатинг.
5. Ташкилот бошқарувининг юқори органи.
6. Агар бор бўлса, шўъба корхоналари, филиаллари ва уларнинг юридик мақоми.
7. Ташкилотнинг юридик манзили (вилоят, шаҳар, кўча, уй, хонадон, индекс).
8. Телефон/факс (кодими кўрсатинг).
9. Электрон почта манзили. Агар бор бўлса, ташкилотнинг web-сайти манзилени кўрсатинг.
10. Ташкилотнинг миссияси.
11. Асосий устав мақсадлари ва вазифалари.
12. Амалга оширилган лойиҳалар.
13. Сизнинг шерикларингиз.
14. Банк реквизитлари.

**Парламент комиссиясининг 2008 йил 2 октябрдаги йиғилиши
баённомасига 4-Илова Ўзбекистон Нодавлат нотижорат
ташкilotлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институт-
ларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди субсидияларини
ажратиш учун аризалар намунаси**

1-бет – Титул varaғи

Ташкilotнинг номи	
Субсидия сўралаётган харажатлар моддаси	
Ташкilotнинг алоқа ахбороти: юридик ва амалдаги манзили, телефони, факси, сайт манзили)	
Ташкilot раҳбарининг Ф. И. О. ва лавозими	
Ташкilot раҳбарининг алоқа ахбороти: манзили, телефони (албатта, коди билан), E-mail	
Ташкilot бухгалтерининг Ф. И. О.	
Ташкilot бухгалтерининг алоқа ахбороти: манзили, телефони (албатта коди билан), E-mail	
Фаолиятни амалга ошириш муддатлари (бошланиш санаси – тугалланиш санаси)	
Сўралаётган сумма (сўм)	
Ўз маблағларининг мавжудлиги (омонат)	

Субсидия сўралаётган фаолиятни тавсифлаш

Субсидия сўралаётган моддаларни қисқача тавсифлаш	
Субсидиялар ажратиш зарурлигини асослаш (бир бетдан ошмаслиги керак)	
Аризачининг ушбу соҳадаги тажрибасини тавсифлаш	

Субсидия сўралаётган ташкилотнинг мақсадлари ва режалаштирилаётган фаолияти

Фаолиятдан кутилаётган натижалар	
----------------------------------	--

Ташкилотнинг охириги йилги умумий бюджети, шу жумладан молиялаштиришнинг мавжуд ўз манбалари ва жалб этиладиган манбалари (сўм)

Молиялаштириш ва моддий кўмаклашиш моддалари	Сумма
1. Маъмурий харажатлар, асосий воситалар сотиб олиш	
2. Иш ҳақи	
3. Ижтимоий ўтказмалар	
4. Ягона ижтимоий тўлов	
5. Коммуникация харажатлари	
6. Техника таъминоти учун харажатлар (автомобиль, ташкилий техника)	
7. Операцияларга оид харажатлар (ижара, коммунал хизматлар тўлови, канцелярия харажатлари, банк харажатлари)	
8. Жами	
9. Йил охиридаги қолдиқ	

Устав фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун сўраладиган молиявий ва моддий кўмаклашиш (субсидиялар) моддалари

Молиялаштириш ва моддий кўмаклашиш моддалари	Сумма
Тўловлар жадвали	
Сана	
Аризачи ташкилот раҳбарининг имзоси	
Ташкилотнинг муҳри	

НТТ резюмесининг шакли:

1. Уставга биноан ташкилотнинг тўлиқ номи (ўзб., рус., инглиз).
2. Рахбар ҳамда ходимларнинг Ф. И. О. ва алоқа маълумотлари.
3. Рўйхатга олиш рақами, рўйхатга олиш санаси ва рўйхатга олувчи орган.
4. Агар бор бўлса, юқори турувчи ташкилотни кўрсатинг.
5. Ташкилот бошқарувининг юқори органи.
6. Агар бор бўлса, шўъба корхоналари, филиаллари ва уларнинг юридик мақоми.
7. Ташкилотнинг юридик манзили (вилоят, шаҳар, кўча, уй, хонадон, индекс).
8. Телефон/факс (кодини кўрсатинг).
9. Электрон почта манзили. Агар бор бўлса, ташкилотнинг web-сайти манзилини кўрсатинг.
10. Ташкилотнинг миссияси.
11. Асосий устав мақсадлари ва вазифалари.
12. Амалга оширилган лойиҳалар.
13. Сизнинг шерикларингиз.
14. Банк реквизитлари.

ННТ ҲИСОБОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори
24.11.2008 й. № ПҚ-1005 Ўзбекистон Республикаси
Молия Вазирлигининг Инсонпарварлик ёрдами ҳамда
техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли
фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва
назорат қилиш Департаментини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасига инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини жалб этиш фаолияти мувофиқлаштирилишини янада такомиллаштириш, уларни ҳисобга олиш ҳамда мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатишнинг ягона тизимини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини республикага жалб этишни мувофиқлаштириш ва ўз вақтида расмийлаштириш, шунингдек уларни ҳисобга олиш ва мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатишни ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаменти ташкил этилсин.

Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:
республикага инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини жалб этиш масалалари бўйича донорлар билан ҳамкорликни ривожлантириш таклифларини тайёрлаш;

инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларига оид лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини мувофиқлаштириш;

инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини олувчиларга уларни расмийлаштириш ва етказиб бериш муддатларини қисқартириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасига жалб этилаётган инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари тўлиқ ва тизимли ҳисобга олиншини таъминлаш;

республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, ташкилот ва муассасалари оладиган инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини ўзлаштириш, мақсадли ва самарали фойдаланишнинг доимий мониторингини амалга ошириш;

инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларининг келиб тушиши ва ўзлаштирилиши тўғрисидаги ҳисоботлар ҳамда таҳлилий материалларни тайёрлаш ва уларни тизимли асосда Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президенти Девони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб туриш.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппарати бошқарув ходимларининг тасдиқланган чекланган сони доирасида умумий сони 5 нафар ходимдан иборат бўлган Департамент тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаменти тўғрисидаги низом 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Молия вазирлигига зарур ҳолларда Департаментнинг тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритишга рухсат этилсин.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги зиммасига Ўзбекистон Республикасига келаётган барча турдаги, шу жумладан, номоддий шаклдаги инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини тўлиқ ва тизимли ҳисобга олиш вазифаси;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси зиммасига маблағлардан мақсадли фойдаланилиши, инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини жалб этиш ва ўзлаштиришда молиявий қоидабузарликларга йўл қўйилмаслигини тафтиш ҳамда назорат қилиш вазифалари юклатилсин. Мазкур вазифаларни бажариш учун Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппарати ходимларининг чекланган сонига қўшимча киритиладиган 3 нафар ходимдан иборат шўъба ташкил этилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини олувчилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигига ўзларининг шахсий банк ҳисобварақларидан кўчирмалар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шакл ва муддатларда, жумладан, номоддий шаклдаги инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари тўғрисида ахборот бериб борадилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат статистика қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси билан бирга-ликда икки ҳафта муддатда инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини олувчилар Молия вазирлигининг Ғазначилигига тақдим этадиган ҳисобот шакллари ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. Каримов

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигида 2009 йил 30 майда
1960-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирининг
2009 йил 30 апрелдаги 47-сонли буйруғига ИЛОВА
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига
инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш
воситаларини олувчилар томонидан банк
ҳисобварақларидан кўчирмалар ва инсонпарварлик
ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари
тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш Қоидалари

Мукаддима

I. Умумий қоидалар

II. Жалб этилаётган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги маълумот

III. Келиб тушган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги маълумот

IV. Инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларининг ишлатилиши тўғрисидаги маълумот

V. Жавобгарлик

1-илова. Жалб этилаётган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги Маълумот

2-илова. Келиб тушган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги Маълумот

3-илова. Инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларининг ишлатилиши тўғрисидаги Маълумот

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 ноябрдаги ПҚ-1005-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш Департаментини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 48-сон, 472-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларини олувчилар томонидан банк ҳисобварақларидан кўчирмалар ва инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартибини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари олувчилар (кейинги ўринларда – грант олувчилар) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига ушбу Қоидаларнинг 1, 2 ҳамда 3-иловаларида келтирилган шаклларга мувофиқ банк ҳисобварақларидан кўчирмалар ва инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги маълумотларни (кейинги ўринларда – маълумотлар) мажбурий тартибда тақдим этадилар.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига маълумотларни, бевосита чет эл давлатлари, уларнинг федерал ёки муниципал ташкилий тузилмалари, халқаро ва чет эл ташкилотлари, шунингдек бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг (кейинги ўринларда – донорлар) дастур ҳамда келишувларида ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг инсонпарварлик ёрдамлари билан боғлиқ бўлган тадбирларнинг ўзаро мувофиқлаштирилишига масъул ҳисобланган, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича Комплекс раҳбарининг қарорларида белгиланган инсонпарварлик ёрдами олувчилар, техник кўмаклашиш воситалари бўйича эса халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда чет эл ҳукумати ташкилотларининг техник кўмаклашишни тақдим этиш тўғрисидаги қарорларида кўрсатилган, техник кўмаклашиш воситаларини олувчилар тақдим этадилар.

3. Маълумотда барча устун, қатор ва реквизитлар тўлдирилиши шарт. Агар грант олувчида тегишли маълумотларнинг йўқлиги сабабли у ёки бу қатор (устун) тўлдирилмай қолган ҳолларда, ушбу қатор (устун) устига тўғри чизик тортилади. Маълумотдаги ёзувлар, ёзув машиналари, механизациялаштириш воситалари ёки ахборот технологиялари ёрдамида амалга оширилиши лозим.

4. Маълумот грант олувчи ташкилотнинг раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланади ва муҳри билан тасдиқланади.

5. Маълумотда ўчиришлар ва тузатиб ёзишлар бўлмаслиги лозим. Хатолар тузатилган тақдирда, грант олувчининг раҳбари томонидан тасдиқланган, тегишли изоҳлар кўрсатилади.

6. Маълумот миллий валюта ва АҚШ долларларида тўлдирилади. Бошқа чет эл валютасида расмийлаштирилган инсонпарварлик ёрдами (техник кўмаклашиш) грант олувчи томонидан ушбу инсонпарварлик ёрдами (техник кўмаклашиш) олинган кунда амалда бўлган, Марказий банкнинг курси бўйича АҚШ долларларида қайта ҳисобланади.

II. ЖАЛБ ЭТИЛАЁТГАН ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ВА ТЕХНИК КЎМАКЛАШИШ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ

7. Жалб этилаётган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари, шу жумладан, натура кўринишидаги инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги маълумот (мазкур Қоидаларга 1-илова) донорлар томонидан дастурлар ва битимлар тасдиқланган ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг инсонпарварлик ёрдамлари билан боғлиқ бўлган тадбирларнинг ўзаро мувофиқлаштирилишига масъул ҳисобланган, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича Комплекс раҳбарининг қарорлари, шунингдек халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда чет эл ҳукумати ташкилотларининг техник кўмаклашишни тақдим этиш тўғрисидаги қарорлари тасдиқланган куннинг эртаси куни грант олувчининг жойлашган жойидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг тегишли бўлинмаларига почта орқали ёки қўлда тақдим этилади.

8. Жалб этилаётган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги маълумотнинг устунлари қуйидагича тўлдирилади:

А устунида – тартиб рақами кўрсатилади;

Б устунида – донор мамлакат ва донор номи кўрсатилади;

В устунида – лойиҳа номи кўрсатилади;

Г устунида – инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларини жалб этиш мақсади кўрсатилади;

Д устунида – Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларининг олинishi маъқулланган ҳужжат рақами ва саноиси кўрсатилади;

Е устунида – дастур, битим ёки тегишли қарор бўйича инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларининг миллий валютадаги умумий суммаси кўрсатилади;

Ж устунида – дастур, битим ёки тегишли қарор бўйича инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларининг АҚШ долларисидаги умумий суммаси кўрсатилади.

III. КЕЛИБ ТУШГАН ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ВА ТЕХНИК КЎМАКЛАШИШ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ

9. Келиб тушган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари, шу жумладан, натура кўринишидаги инсонпарварлик ёрдами ва тех-

ник кўмаклашиш воситаларининг келиб тушганлиги тўғрисидаги маълумот (мазкур Қоидаларга 2-илова) бўйича операциялар амалга оширилган куннинг эртаси куни грант олувчининг жойлашган жойи бўйича, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг тегишли бўлинмаларига почта орқали ёки қўлда тақдим этилади.

10. Келиб тушган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги маълумотда, «эркин муомалага чиқариш» божхона режимида расмийлаштирилган юклар кўрсатилади.

11. Маълумотнинг манзил қисми қуйидаги тартибда тўлдирилади:

«Олувчи» устунда – грант олувчининг ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларига мувофиқ тўлиқ номи кўрсатилади;

«Мамлакатлар/донорлар» устунда – донорнинг мамлакати ва донор кўрсатилади;

«Лойиҳа номи» устунда – лойиҳанинг тўлиқ номи кўрсатилади;

«Лойиҳани маъқуллаш тўғрисидаги ҳужжатнинг номи» устунда – Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматининг лойиҳани маъқуллаш тўғрисидаги қарорининг номи кўрсатилади.

12. Келиб тушган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги устунлар қуйидаги тартибда тўлдирилади:

А устунда – тартиб рақами кўрсатилади;

Б устунда – инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларининг келиб тушганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилади;

В ва Г устунларида – ҳисобварақ-фактуралар ёки бошқа инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларининг келиб тушганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар рақами ва санаси кўрсатилади;

Д устунда – келиб тушган инсонпарварлик ёрдами ёки техник кўмаклашиш воситаларининг миллий валютадаги суммаси кўрсатилади;

Е устунда – келиб тушган инсонпарварлик ёрдами ёки техник кўмаклашиш воситаларининг АҚШ долларидаги суммаси кўрсатилади;

Ж устунда – инсонпарварлик ёрдами ёки техник кўмаклашишнинг қисқача тавсифи кўрсатилади. Ушбу устун фақат натура кўринишидаги инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари келгандагина тўлдирилади.

IV. ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ВА ТЕХНИК КЎМАКЛАШИШ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ

13. Инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари, шу жумладан, натура кўринишидаги инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмак-

лашиш воситаларининг ишлатилиши тўғрисидаги маълумот (мазкур Қоидаларга 3-илова) ишлатилиш бўйича операциялар амалга оширилган куннинг эртаси куни грант олувчининг жойлашган жойи бўйича, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигининг тегишли бўлинмаларига қўлда тақдим этилади.

14. Маълумотнинг манзил қисми қуйидаги тартибда тўлдирилади:

«Олувчи» устунда – грант олувчининг ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларига мувофиқ тўлиқ номи кўрсатилади;

«Мамлакатлар/донорлар» устунда – донорнинг мамлакати ва донор кўрсатилади;

«Лойиха номи» устунда – лойиханинг тўлиқ номи кўрсатилади;

«Лойихани маъқуллаш тўғрисидаги ҳужжатнинг номи» устунда – Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматининг лойихани маъқуллаш тўғрисидаги қарорининг номи кўрсатилади.

15. Инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларининг ишлатилиши тўғрисидаги устунлар қуйидаги тартибда тўлдирилади:

А устунда – тартиб рақами кўрсатилади;

Б устунда – инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш ишлатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилади;

В ва Г устунларида – ҳисобварақ-фактуралар ёки бошқа инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларининг ишлатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар рақами ва санаси кўрсатилади;

Д устунда – инсонпарварлик ёрдами ёки техник кўмаклашиш воситаларининг ишлатилган суммаси миллий валютадаги суммаси кўрсатилади.

Қуйидаги шаклларда тушган инсонпарварлик ёрдами ёки техник кўмаклашиш воситаларидан фойдаланилганда:

пул шаклида – грант олувчилар томонидан чек ва тўлов ҳужжатлари асосида сарфланган сумма кўрсатилади;

асосий восита кўринишидаги натурал шаклда – ҳисобварақ-фактура ва бошқа ҳужжатлар (қабул қилиш далолатномаси ва ҳ. к.) асосида асосий воситанинг қиймати кўрсатилади;

асосий восита бўлмаган, натурал шаклдаги товар-моддий бойликлар кўринишида – ҳисобварақ-фактура ва истеъмол қилинганлигини (ҳисобдан чиқарилганлигини) ёки уларнинг тўғридан-тўғри истеъмолчиларга берилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар (ҳисобдан чиқариш далолатномаси, тарқатиш ведомости ва ҳ.к.) асосида товар-моддий бойликлар қиймати кўрсатилади;

Е устунда – инсонпарварлик ёрдами ёки техник кўмаклашиш воситаларининг ишлатилган суммаси АҚШ долларларида кўрсатилади.

V. ЖАВОБГАРЛИК

16. Мазкур Қоидаларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига тақдим этилаётган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун грант олувчилар раҳбарлари ва бош ҳисобчилари жавобгардирлар.

**Қоидаларга 1-ИЛОВА Жалб этилаётган инсонпарварлик
ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги
МАЪЛУМОТ***

200__ йил «__» _____ ҳолатига

(олувчининг номи)

№	Мамлакатлар/ донорлар	Лойиҳа номи	Жалб этиш мақсади	Қачон маъқулланган (рақами ва санаси)	Умумий суммаси	
					сўмда	АҚШ долларарида
А	Б	В	Г	Д	Е	Ж
1.						
2.						
....						

) **Натура кўринишидаги инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларини ҳам ўз ичига олган ҳолда.*

Рахбар _____

Бош ҳисобчи _____

М. Ў.

Тақдим этиш санаси 200__ й. «__» _____

**Қоидаларга 2-ИЛОВА Келиб тушган инсонпарварлик
ёрдми ва техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги
МАЪЛУМОТ***

200__ йил «__» _____ ҳолатига

Олувчи _____

Мамлакатлар/ донорлар _____

Лойиҳа номи _____

Лойиҳани маъқуллаш тўғрисидаги ҳужжатнинг номи _____

№	Ҳужжатнинг номи	Келиб тушган-лигини тасдиқловчи ҳисобварақ-фактура ёки бошқа ҳужжатлар реквизитлари		Келиб тушган сумма		Изоҳ
		санаси	рақами	сўмда	АҚШдолларида	
А	Б	В	Г	Д	Е	Ж
1.						
2.						
....						

**) Натура кўринишидаги инсонпарварлик ёрдми ва техник кўмаклашиш воситаларини ҳам ўз ичига олган ҳолда.*

Раҳбар _____

Бош ҳисобчи _____

М. Ў.

Тақдим этиш санаси 200__ й. «__» _____

**Қоидаларга 3-ИЛОВА Инсонпарварлик ёрдами ва техник
қўмаклашиш воситаларининг ишлатилиши тўғрисидаги
МАЪЛУМОТ***

200__ йил «__» _____ ҳолатига

Олувчи _____

Мамлакатлар/ донорлар _____

Лойиха номи _____

Лойихани маъқуллаш тўғрисидаги ҳужжатнинг номи _____

№	Ҳужжатнинг номи	Келиб тушганлиги ёки ишлатилганлигини тасдиқловчи ҳисобварақ-фактура ёки бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари		Ишлатилган сумма	
		санаси	рақами	сўмда	АҚШ долларида
А	Б	В	Г	Д	Е
1.					
2.					
....					

**) Натура қўринишидаги инсонпарварлик ёрдами ва техник қўмаклашиш воситаларини ҳам ўз ичига олган ҳолда.*

Раҳбар _____

Бош ҳисобчи _____

М. Ў.

Тақдим этиш санаси 200__ й. «__» _____

**Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан
рўйхатга олинган 02.02.2009 й. № 1892, Ўзбекистон
Республикаси Молия Вазирлигининг 24.12.2008 й. № 119,
Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк Божқарувининг
24.12.2008 й. № 307-В, Ўзбекистон Республикаси Давлат
Статистика Кўмитасининг 24.12.2008 й. № 6, Ўзбекистон
Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва
савдо Вазирлигининг 24.12.2008 й. № ЭГ-01/14-8052, Ўзбекистон
Республикаси Давлат Божхона Кўмитасининг 24.12.2008 й.
№ 01-02/5-61 ҚАРОРИ «Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник
кўмаклашиш воситалари олувчиларнинг ҳисобот шакллари ва
уларни тўлдириш бўйича Қоидаларни тасдиқлаш ҳақида**

(2009 йил 12 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 ноябрдаги ПҚ-1005-сонли «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш Департаментини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг 5-банди ижросини таъминлаш мақсадида **ҚАРОР ҚИЛАМИЗ:**

1. «Инсонпарварлик ёрдамининг келиб тушиши ва уларнинг ўзлаштирилиши тўғрисида»ги ҳисобот шакли 1-иловага мувофиқ;

«Техник кўмаклашиш воситаларининг келиб тушиши ва уларнинг ўзлаштирилиши тўғрисида»ги ҳисобот шакли 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигига инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари олувчилар томонидан тақдим этиладиган ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича қоидалар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Марказий банк раиси

Давлат статистика

кўмитаси раиси

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Давлат божхона

кўмитаси раиси

Р. Азимов

Ф. Муллажонов

Ғ. Қудратов

Э. Ғаниев

С. Носиров

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил
2 февралда 1892-сон билан рўйхатга олинган Молия
вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат
статистика қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Давлат
божхона қўмитасининг 2008 йил 24 декабрдаги 119,
307-В, 6, ЭГ-01/14-8052, 01-02/5-61-сонли қарорига 3-ИЛОВА
«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига
инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник қўмаклашиш
воситалари олувчилар томонидан тақдим этиладиган ҳисобот
шакллари тўлдириш бўйича ҚОИДАЛАР»**

Муқаддима

I. Умумий қоидалар

II. Инсонпарварлик ёрдамнинг келиб тушиши ва уларнинг
ўзлаштирилиши тўғрисидаги ҳисоботни тўлдириш тартиби

III. Техник қўмаклашиш воситаларининг келиб тушиши
ва ўзлаштирилиши тўғрисидаги ҳисоботни тўлдириш тартиби

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 ноябрдаги ПҚ-1005-сонли «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник қўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш Департаментини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 48-сон, 472-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник қўмаклашиш воситалари олувчилар (бундан буён матнда грант олувчилар деб юритилади) томонидан тақдим этиладиган ҳисобот шакллари тўлдириш тартибини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига тақдим этиладиган инсонпарварлик ёрдами бўйича ҳисобот донорлар билан ўзаро келишилган битим ва дастурларда ёки инсонпарварлик ёрдамнинг мувофиқлаштирилишига масъул ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича Комплекс раҳбарининг қароридан белгиланган грант олувчилар томонидан, техник қўмаклашиш воситалари бўйича ҳисобот эса халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда чет эл ҳукуматлари ташкилотларининг техник қўмаклашиш бўйича қабул қилган қарорларида кўрсатилган грант олувчилар томонидан тақдим этилади.

2. Ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг тегишли таркибий бўлинмаларига жойлашган жой бўйича ҳар ойнинг 1-санаси ҳолатига (кейинги ҳисобот ойининг 10-санасидан кечиктирмасдан) почта орқали ёки қўлда тақдим этилади.

3. Ҳисоботда барча маълумотлар, қатор ва устунлар тўлдирилиши зарур. Агар грант олувчилар томонидан у ёки бу қатор (устун) бўйича тегишли маълумотлар бўлмаса, у ҳолда ушбу қатор (устун)га чизик тортиб қўйилади. Ҳисоботдаги маълумотлар ёзув машиналарида ёки бошқа ахборот технологияларида тўлдирилиши шарт.

4. Ҳисоботнинг манзилли қисми қуйидаги тартибда тўлғазилади:
«Олувчи» – грант олувчининг тўлиқ номи кўрсатилади;
«Жойлашган жойи (манзили)» – грант олувчининг почта манзили (почта индекси билан) кўрсатилади;
«Солиқ тўловчининг идентификация рақами» – солиқ тўловчининг идентификация рақами кўрсатилади;
«Телефон/факс ва электрон почта» – грант олувчининг телефон/факс рақами ва электрон почта манзили кўрсатилади.

5. Ҳисобот грант олувчининг раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

6. Ҳисоботда тозаланиш ва тузатишга йўл қўйилиши мумкин эмас. Агарда хатолик тузатилса, у ҳолда грант олувчининг раҳбари томонидан имзоланган тегишли тушунтириш берилади.

7. Ҳисоботда сумма миллий валюта ва АҚШ долларларида кўрсатилади. Инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари бошқа валюта қийматликларида расмийлаштирилган бўлса, у ҳолда ушбу қиймат инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари олинган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан эълон қилинган курс бўйича АҚШ доллари эквивалентида қайта ҳисобланади.

II. ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИНИНГ КЕЛИБ ТУШИШИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТЎЛДИРИШ ТАРТИБИ

8. Ҳисоботда «эркин муомалага чиқариш» божхона режими бўйича расмийлаштирилган юқлар кўрсатилади.

9. Инсонпарварлик ёрдамининг келиб тушиши ва уларнинг ўзлаштирилиши тўғрисидаги ҳисобот шаклининг устунлари қуйидагича тўлдирилади (1-илова):

А устунда – тартиб рақам;

Б устунда – инсонпарварлик ёрдами кўрсатаётган мамлакат коди (Дунё мамлакатлари классификаторининг рақамли коди («Божхона юк декларацияларини тўлдириш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномага 3-илова (1999 йил 3 декабрь, рўйхат рақами 834 – Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 12-сон);

В устунда – инсонпарварлик ёрдами кўрсатаётган мамлакат ёки донор номи;

Г устунда – лойиҳа номи;

Д устунда – инсонпарварлик ёрдами жалб қилинишининг мақсади куйидаги хос рақамлар бўйича кўрсатилади:

10 – тиббий ёрдам;

20 – асбоб-ускуна, ҳисоблаш техникаси билан таъминлаш;

30 – моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

40 – ижтимоий ёрдам;

50 – фавқулудда вазиятларга тайёргарлик;

60 – ахборот ёрдами;

70 – техник ёрдам;

80 – спортни ривожлантириш;

90 – озиқ-овқат ёрдами;

100 – деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш;

110 – диний, маърифий фаолият;

120 – таълим даражасини ошириш;

130 – шаҳарни ободонлаштириш;

140 – рағбатлантирувчи совринлар;

150 – бошқалар;

Е устунда – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан инсонпарварлик ёрдами олиниши маъқулланган ҳужжатнинг рақами ва санаси;

Ж устунда – инсонпарварлик ёрдами сифатида олинган маҳсулот номи;

З устунда – шартнома бўйича инсонпарварлик ёрдамнинг миллий валютадаги умумий суммаси;

И устунда – шартнома бўйича инсонпарварлик ёрдамнинг АҚШ долларидаги умумий суммаси;

1, 5, 10, 14, 18 ва 23-устунларда – маҳсулотнинг натура кўринишидаги ўлчов бирлиги;

2, 6, 11, 15, 19 ва 24-устунларда – маҳсулотнинг миқдор кўринишидаги ўлчов бирлиги;

3, 7, 12, 16, 20 ва 25-устунларда – инсонпарварлик ёрдамнинг миллий валютадаги суммаси;

4, 8, 13, 17, 21 ва 26-устунларда – инсонпарварлик ёрдамнинг АҚШ долларидаги суммаси;

9-устунда – инсонпарварлик ёрдамнинг республика ҳудудлари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар) бўйича тақсимоли: биринчи қаторда – жами ўзлаштирилган (тақсимланган), кейинги қаторларда ҳудудлар бўйича (вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар). Республика ҳудуди (вилоят, туман ва шаҳар) ҳисобот санаси даврига инсонпарварлик ёрдамнинг ҳақиқатда тақсимланиши бўйича кўрсатилади ва кейинги ҳисоботларда инсонпарварлик ёрдами тақсимолининг ўзгаришига қараб аниқлаштирилади;

22 ва 27-устунларда – инсонпарварлик ёрдами ўзлаштирилишининг кечиктирилганлик сабаблари.

III. ТЕХНИК КЎМАКЛАШИШ ВОСИТАЛАРИНИНГ КЕЛИБ ТУШИШИ ВА ЎЗЛАШТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТЎЛДИРИШ ТАРТИБИ

10. Техник кўмаклашиш воситаларининг келиб тушиши ва уларнинг ўзлаштирилиши тўғрисидаги ҳисобот шаклининг устунлари қуйидагича тўлдирилади (2-илова):

А устунда – тартиб рақам;

Б устунда – техник кўмаклашиш воситалари тақдим қилган мамлакат коди (Дунё мамлакатлари классификаторининг рақамли коди («Божхона юк декларацияларини тўлдириш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномага 3-илова (1999 йил 3 декабрь, рўйхат рақами 834 – Меъерий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 12-сон);

В устунда – техник кўмаклашиш воситалари тақдим қилган мамлакат ёки донор номи;

Г устунда – лойиҳа номи;

Д устунда – техник кўмаклашиш воситаларининг фойдаланиш йўналишлари қуйидаги хос рақамлар бўйича кўрсатилади:

10 – асбоб-ускуналар сотиб олиш;

20 – тиббий дори-дармонлар сотиб олиш;

30 – моддий-техник ресурсларни сотиб олиш (офис мебеллари, ўқув қўлланмалари, дизайн ва бошқалар);

40 – жорий харажатлар (канцтоварлар, бино ижараси, транспорт хизматлари, алоқа хизматлари, банк хизматлари ва бошқалар);

50 – меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш;

60 – маслаҳат хизматлари (эксперт ишлари учун);

70 – техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш;

80 – ўқитиш;

90 – вакиллик харажатлари (сайёҳлик, озиқ-овқатлар, кофе-брек, сувенирлар ва бошқалар);

100 – бошқалар;

Е устунда – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан техник кўмаклашиш воситалари олинishi маъқулланган хужжатнинг рақами ва санаси;

Ж устунда – техник кўмаклашиш воситаларидан фойдаланишнинг бошланиш санаси;

З устунда – шартнома бўйича техник кўмаклашиш воситаларининг миллий валютадаги умумий суммаси;

И устунда – шартнома бўйича техник кўмаклашиш воситаларининг АҚШ долларисидаги умумий суммаси;

1, 3, 6, 8, 10 ва 13-устунларда – техник кўмаклашиш воситаларининг миллий валютадаги суммаси кўрсатилади;

2, 4, 7, 9, 11 ва 14-устунларда – техник кўмаклашиш воситаларининг АҚШ долларисидаги суммаси кўрсатилади;

5-устунда – техник кўмаклашиш воситаларининг республика ҳудудлари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар) бўйича тақсимоти: биринчи қаторда – жами ўзлаштирилган (тақсимланган), кейинги қаторларда – ҳудудлар бўйича (вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар). Республика ҳудуди (вилоят, туман ва шаҳар) ҳисобот санаси даврига техник кўмаклашиш воситаларининг ҳақиқатда тақсимланиши бўйича кўрсатилади ва кейинги ҳисоботларда техник кўмаклашиш воситалари тақсимотининг ўзгаришига қараб аниқлаштирилади;

12 ва 15-устунларда – техник кўмаклашиш воситаларининг ўзлаштирилмаганлик сабаблари.

**ДАВЛАТ ТОМОНИДАН
МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИГАН
ИЖТИМОЙ ЖАМҒАРМАЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
23.04.1993 й. № ПФ-596 Ҳукуматга қарашли бўлмаган
«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармасини
ташкил этиш тўғрисида

Келажак авлоднинг саломатлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий камол топиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида ва меҳнат жамоалари, саноат корхоналари, жамоат ташкилотлари, бир қанча хорижий компаниялар ва фирмаларнинг кўндан-кўп мурожаатларини эътиборга олиб:

1. Ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, мазкур жамғармани рўйхатдан ўтказиш ва унинг фаолият тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари билан белгиланади.

Жамғарма барча юридик ва жисмоний шахслар, жумладан хорижий фуқаролар, ташкилотлар, фирмалар ва уюшмалар учун очиқ деб ҳисоблансин.

Вазирликлар, идоралар, концернлар ва ҳокимликлар «Соғлом авлод учун» жамғармасининг фаолиятига бутун чоралар билан қўмаклашсинлар.

Барча вилоят марказларида ва Тошкент шаҳрида жамғарманинг филиаллари ва бўлинмаларини очиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

3. Қуйидагилар:

– туғруққа ёрдам ва болалар муассасаларининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга, уларни замонавий усқуналар билан жиҳозлашга, янги, самарали даволаш воситалари билан таъминлашга;

– жамоатчилик ва давлат тузилмаларининг жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда келажак авлод наслини яхшилашга қаратилган куч-ғайратларини мувофиқлаштиришга кенг кўламда қўмаклашиш жамғарманинг асосий вазифалари деб ҳисоблансин.

4. «Соғлом авлод учун» жамғармасининг юксак ижтимоий мақоми ва нуфузи таъминлансин. «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотлаш чоғида жамғарма бошқаруви тақдимномаларининг ҳал қилувчи аҳамияти эътироф этилсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичида «Соғлом авлод учун» жамғармаси фаолиятини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилсин ва жамғарма тўғрисидаги Низомни тасдиқласин. (Кўрсатилган Қарор ЎзР ВМ томонидан 03.06.1993 й. 268-сон билан қабул қилинган)

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. Каримов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори
04.03.2000 й. № 74 «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли
бўлмаган Халқаро хайрия жамғармаси фаолиятини таъминлаш
Чора-тадбирлари тўғрисида

Мазкур Қарорга ЎзР ВМ 03.05.2001 й. 204-сон Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

«Соғлом авлод» давлат дастурини амалга оширишда «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг фаол қатнашиши учун шарт-шароитлар яратиш, Жамғарма функциялари кенгайганлигини ҳисобга олган ҳолда унинг моддий ва маънавий базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг муҳим вазифалари деб ҳисоблансин:

«Соғлом авлод» давлат дастури бажарилишини таъминлаш учун зарур маблағлар ва ресурсларни сафарбар қилиш, жамоатчиликни, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларини унга фаол жалб қилиш;

«Соғлом авлод» давлат дастурининг мақсадлари ва мазмунини, она ва бола соғлигини мустаҳкамлашни, соғлом авлодни шакллантириш ва тарбиялашда оиланинг ролини кучайтиришни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишни ташкил этиш;

хорижий ва мамлакатимиз ҳомийларининг мурувват хайрия ёрдами маблағларини жалб қилиш ва тўплаш ишларини фаол олиб бориш;

жамоат ва нодавлат тузилмаларининг соғлом авлодни шакллантиришга қаратилган, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга доир саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига, энг аввало кўп болали оилаларга, камқонлик касаллигига дучор бўлган аёлларга, ногирон болаларга ҳамда болалар, меҳрибонлик уйлари ва интернатларда тарбияланаётган болаларга мурувват ёрдами кўрсатиш;

она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш ишида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш.

2. «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг тузилмасига ва унинг Васийлик кенгаши таркибига I ва 2-иловаларга мувофиқ розилик берилсин.

Васийлик кенгашига:

Жамғарманинг моддий-техника ва молиявий негизи мустаҳкамланишида, «Соғлом авлод» давлат дастурини амалга ошириш бўйича Жамғармага юкланган функциялар рўёбга чиқарилишида унга ҳар томонлама кўмаклашиш;

Жамғарма томонидан сафарбар қилинаётган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан қатъий назорат қилинишини таъминлаш, Жамғарма бошқаруви раиси ва унинг тузилмаларининг жамғарма маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиш тавсия қилинсин.

3. Қуйидагилар:

«Соғлом авлод учун» жамғармаси марказий аппарати ва унинг минтақавий филиаллари тузилмаси 3 ва 4-иловаларга мувофиқ;

«Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Жамғарма бошқаруви раиси мақомига кўра Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосарига, жамғарма минтақавий филиаллари раҳбарлари эса – соғлиқни сақлаш минтақавий органлари раҳбарлари ўринбосарларига тенглаштирилсин.

«Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасига Жамғарма ҳузурида Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этиш, унинг таркибига амалиётчи мутахассислар, тиббиёт ўқув юртларининг олимлари ва ўқитувчиларини киритиш тавсия қилинсин.

Белгилансинки, Жамғарма аппарати ва унинг минтақавий филиаллари сарф-харажатлари Жамғарманинг ўз маблағлари ҳисобига қопланади.

4. «Соғлом авлод учун» жамғармасининг асосий пул маблағлари:

Жамғарма қатнашчиларининг пул бадаллари;

бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари ҳамда ҳам Ўзбекистон Республикаси резидентлари, ҳам Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек халқаро ташкилотларнинг ҳомийлик маблағлари;

Жамғарма фаолиятдан олинган даромадлар, шунингдек, Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида у томонидан таъсис этилган корхоналар ва ташкилотларнинг даромадлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда:

2000 йил I чораги яқунларидан бошлаб ҳар чоракда «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасига бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобига қўшимча маблағлар йўналтирилишини назарда тутсин, ушбу маблағлар «Соғлом авлод» давлат дастурини амалга оширишга мақсадли йўналтирилсин;

икки ҳафта муддатда Жамғарманинг кўрсатиб ўтилган қўшимча маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

«Соғлом авлод учун» жамғармасини у устав вазифаларини ҳал этишида доимий равишда самарали қўллаб-қувватласинлар;

бирий муддатда Жамғарманинг минтақавий филиалларини мослаштирилган биноларда жойлаштириш, уларни филиаллар ўз функцияларини бажариши учун мебель ҳамда зарур техника ва алоқа воситалари билан жиҳозлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

7. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига, «Маҳалла» ва «Камолот» жамғармаларига, «Оила» марказига, хотин-қизлар кўмиталарига ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари ва жамғармаларга «Соғлом авлод» давлат дастурининг амалга оширилишини таъминлашда «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси билан фаол ўзаро ҳамкорлик қилиш тавсия қилинсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 июндаги 268-сон қарорининг 1-3, 9-бандлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 28 октябрдаги 524-сон қарорининг 7-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, идоравий меъёрий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштириш тўғрисида таклиф киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. С. Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. Каримов

**Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 мартдаги 74-сон қарорига
5-ИЛОВА «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган
халқаро хайрия жамғармаси тўғрисида НИЗОМ**

- I. Умумий қоидалар
- II. Жамғарманинг мақсади, асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари
- III. Жамғарманинг ҳуқуқлари ва бурчлари
- IV. Жамғарма қатнашчилари
- V. Бошқарув органлари
- VI. Жамғарманинг мол-мулки ва маблағлари
- VII. Жамғармани тугатиш

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси (кейинги ўринларда «Жамғарма» деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 23 апрелдаги ПФ-596-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 июндаги 268-сон ва 2000 йил 4 мартдаги 74-сон қарорлари билан ташкил этилган.

2. Жамғарма ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамоат ташкилоти сифатида давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади. Хўжалик мустақиллиги асосида фаолият кўрсатади, ўз мол-мулкига, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, шу жумладан хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига эга бўлади. Мулкий ва мулкий бўлмаган ҳуқуқларга ўз номидан эга бўлади, тегишли мажбуриятларни бажаради.

3. Жамғарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Уставга ва Жамғарма Уставига мувофиқ амалга оширади.

4. Жамғарма исталган шаклда улуш қўшиш учун Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар, халқаро ташкилотлар учун очикдир.

5. Жамғарманинг фаолияти хайрия тусидадир. Унинг маблағлари, уларнинг тушиш манбаларидан қатъи назар, уставда кўрсатилган вазифалар ва мақсадларга эришиш учун сарфланади.

6. Жамғарманинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 15-уй.

II. ЖАМҒАРМАНИНГ МАҚСАДИ, АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

7. 2000 йил Ўзбекистон Республикасида «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан «Соғлом авлод» давлат дастури амалга оширилишида фаол қатнашиш, соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, юксак инсоний қадриятларга асосланган ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлган маънавий бой, ахлоқий етук ақл-заковатли, юқори билимли жисмонан соғлом, уйғун ривожланган шахсни камол топтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Жамғарма фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

8. Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

«Соғлом авлод» давлат дастури бажарилишини таъминлаш учун зарур маблағлар ва ресурсларни сафарбар қилиш, жамоатчиликни, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларини унга фаол жалб қилиш;

«Соғлом авлод» давлат дастурининг мақсадлари ва мазмунини, она ва бола соғлигини мустаҳкамлашни, соғлом авлодни шакллантириш ва тарбиялашда оиланинг ролини кучайтиришни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишни ташкил этиш;

хорижий ва мамлакатимиз ҳомийларининг мурувват хайрия ёрдами маблағларини жалб қилиш ва тўплаш ишларини фаол олиб бориш;

жамоат ва нодавлат тузилмаларининг соғлом авлодни шакллантиришга қаратилган, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга доир саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

республиканинг бутун ҳудудида аҳолини соғлом авлод туғиш, тарбиялаш ва оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ялпи ўқитиш тизимини ташкил этишга, аҳолининг тиббий маданиятини оширишга қаратилган комплекс ижтимоий ва ташвиқот-тарғибот дастурларини ташкил этиш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан ижтимоий онгда тўлақонли, уйғун ривожланган ва соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши учун юксак жавобгарлик психологияси шакллантирилишига кўмаклашиш;

аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига, энг аввало кўп болали оилаларга, камқонлик касаллигига дучор бўлган аёлларга, ногирон болаларга ҳамда болалар, меҳрибонлик уйлари ва интернатларда тарбияланаётган болаларга мурувват ёрдами кўрсатиш;

туғишга ёрдам берувчи ва болалар муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, уларни ихтисослаштирилган асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга, ялпи самарали даволаш воситалари билан таъминлашга кўмаклашиш;

болаларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, билим олишлари ва уларни тарбиялаш учун шарт-шароитларни яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

«Меҳрибонлик» уйларида, мактаб-интернатларда ва ихтисослаштирилган мактабларда тарбияланаётган болаларга ёрдам кўрсатиш;
оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш ишида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш.

9. Қайд этиб ўтилган вазифаларга эришиш учун Жамғарма куйидаги йўналишлар бўйича фаолият кўрсатади:

тиббиёт, овқатланиш, экология соҳаларида ҳамда оналик ва болаликнинг ҳаётий эҳтиёжларини кондириш бўйича бошқа йўналишлар соҳасида янги технологиялар, техника ва асбоб-ускуналар жорий этилишини ташкил этиш;

она ва бола ҳаёт фаолиятининг ҳуқуқий, ахлоқий-этик, ижтимоий-руҳий шарт-шароитларини такомиллаштиришга кўмаклашиш;

республикада болалар озиқ-овқатини яхшилаш, унинг саноат йўли билан ишлаб чиқарилишини кўпайтириш;

туғруқхона комплексларига, қишлоқ врачлик пунктларига, болалар уйларига, аёллар маслаҳатхоналарига ва оналик билан боғлиқ бўлган бошқа муассасаларга васийлик ва ғамхўрлик қилишни амалга ошириш;

аҳолининг тиббий маданиятини ошириш учун Жамғарма ҳузурида Маслаҳат кенгаши фаолиятини ташкил этиш;

Жамғарманинг юридик шахс мақомига эга бўлган филиалларини ташкил этиш;

оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш учун Жамғарма ҳузурида ихтисослаштирилган корхоналар ва ташкилотлар ташкил этиш.

III. ЖАМҒАРМАНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

10. Жамғарма қайд этиб ўтилган вазифаларни ва фаолият йўналишларини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ куйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

ўз ваколати доирасида юридик ва жисмоний шахслар билан ҳуқуқий актларни мустақил амалга ошириш;

кенг тушунтириш ишлари ёрдамида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва хорижий фуқароларнинг, жамоат ташкилотларининг, банкларнинг, корхоналар ва фирмаларнинг ҳам пул маблағлари кўринишида, ҳам адабиёт ва санъат асарлари, илмий ва лойиҳа ишланмалари, машиналар, асбоб-ускуналар, иншоотлар ва бошқа моддий бойликлар кўринишидаги кўнгилли улушларини жалб этиш;

давлат ташкилотлари билан ҳамда бошқа ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва фирмалар билан биргаликда ўз лойиҳа ва дастурларини амалга ошириш;

миллий ва эркин алмаштириладиган валютада кредитлар олиш, ўз номидан шартномалар ва контрактлар тузиш, мулккий ҳуқуқларга эга бўлиш, судда даъвогар ва жавобгар бўлиш;

Уставда кўрсатилган ўз вазифаларини бажариш учун ишлаб чиқариш, илмий ва бошқа корхоналар, ташкилотлар ва фирмалар, шу жумладан хорижий шериклар билан биргаликда, вақтинчалик таркибий бўлинмалар ташкил этиш;

инновация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

юридик ва жисмоний шахсларга инжиниринг, маслаҳат, ахборот хизматлари ва хизматларнинг бошқа турларини кўрсатиш;

ноширлик, ахборот, маданий-маърифий фаолиятни амалга ошириш;

кўргазмалар, савдо-сотик ярмаркалари, товарлар, маҳсулотлар (ишлар, хизматлар), санъат асарлари ким ошди савдолари, телемарафонлар, концертлар ва бошқа томоша тадбирлари ўтказиш;

лотереялар чиқариш;

Жамғарма мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ танловлар ўтказиш ҳамда мукофотлар таъсис этиш;

ўз мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда миллий ва хорижий валюталарда банк ҳисоб рақамларига эга бўлиш;

Жамғарма мақсадларини таъминлаш учун тиббиёт асбоб-ускуналари ва анжомлари, дори-дармонлар, болалар овқати ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маблағ билан таъминлаш;

белгиланган тартибда халқаро жамоат ташкилотларига ва ихтисослаштирилган ташкилотларга кириш, шунингдек амалий алоқаларга киришиш.

11. Жамғарма:

«Соғлом авлод» давлат дастурини амалга оширишда фаол қатнашиши;

Жамғарма томонидан сафарбар қилинаётган молиявий маблағлардан катъий мақсадга мувофиқ фойдаланилишини таъминлаши;

ўзига қарашли корхоналар ва ташкилотларнинг фаолияти ҳамда ўтказилаётган барча тадбирлар устидан мақсадга қаратилган раҳбарликни ва мунтазам назоратни таъминлаши шарт.

IV. ЖАМҒАРМА ҚАТНАШЧИЛАРИ

12. Давлат, жамоат, илмий ва ижодий ташкилотлар, биржалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, банклар, акциядорлик жамиятлари ва уюшмалар, шу жумладан хорижий, халқаро ташкилотлар, шунингдек Жамғарманинг асосий вазифаларини рўёбга чиқаришда ихтиёрий асосда қатнашувчи бошқа жисмоний шахслар (резидентлар ва норезидентлар) Жамғарманинг қатнашчилари ҳисобланадилар.

V. БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

13. Жамғарма бошқарувининг юқори органи Жамғарма қатнашчиларининг конференцияси ҳисобланади. Конференция Жамғарма Уставига мувофиқ фаолиятнинг асосий йўналишларини белгилайди.

Конференцияда Жамғарма бошқаруви, бошқарув раиси, тафтиш комиссияси сайланади, Жамғарманинг ижрочи директори тасдиқланади.

14. Жамғарма Уставда кўрсатилган ўз фаолиятини амалга оширишига ҳар томонлама кўмаклашиш, унинг моддий-техника ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, шунингдек Жамғарма томонидан сафарбар этиладиган маблағлардан самарали фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш учун Васийлик кенгаши ташкил этилади.

Васийлик кенгаши йилнинг ҳар чорагида Жамғарма бошқаруви раисининг Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботини эшитиши ва тасдиқлаши шарт.

15. Назорат-тафтиш комиссияси Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши, Жамғарманинг, унга қарашли корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий ва ҳўжалик фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

16. Жамғарма бошқаруви раиси ва аъзолари Жамғарма қатнашчилари конференцияси томонидан сайланади.

Жамғарма бошқаруви раиси мақомига ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига кўра Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарига тенглаштирилади.

17. Жамғарма бошқаруви раиси Жамғармага раҳбарлик қилади ҳамда Жамғарма ва минтақавий филиаллар фаолияти учун жавоб беради, Жамғарма номидан ишончномасиз иш кўради, бошқа юридик шахслар, шу жумладан хорижий юридик шахслар билан муносабатларда Жамғарма манфаатларини ифодалайди, бошқарув қарорларини имзолайди.

Бошқарув раис раҳбарлиги остида:

Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича унинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

Жамғарма марказий аппарати, унинг минтақавий филиаллари ва ваколатхоналари фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этади;

ҳар хил ташкилотларда, шу жумладан хорижий ташкилотларда Жамғарма манфаатларини ифодалайди.

18. Жамғарма марказий аппаратининг жорий фаолиятига ижрочи директор раҳбарлик қилади, у Жамғарма номидан ишончномасиз иш кўради, ўз ваколати доирасида буйруқлар чиқаради, меҳнат тўғрисидаги қонун-

ларга мувофиқ ходимларни (Жамғарма бошқаруви билан келишган ҳолда) ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади, штат жадвалини, марказий аппарат ва минтақавий филиалларнинг жорий сарф-харажатлари сметасини тасдиқлайди, Жамғарма маблағларини белгиланган тартибда тасарруф қилади, юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузади.

19. Жамғарма минтақавий филиаллари раҳбарлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ҳокимларининг тавсиясига кўра Васийлик кенгаши билан келишган ҳолда тайинланадилар ҳамда мақомига ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига кўра соғлиқни сақлаш минтақавий органлари раҳбарларининг ўринбосарларига тенглаштириладилар.

20. Жамғарма марказий аппаратининг штатдаги ходимлари сони 18 нафар этиб (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари), минтақавий филиаллар ходимлари сони эса 4 нафар этиб белгиланади.

Жамғарма аппарати ва унинг минтақавий филиалларининг сарф-харажатлари Жамғарманиннг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади.

Жамғарма марказий аппарати ва унинг минтақавий филиаллари ходимларининг лавозим маошларини белгилашда Ягона тариф сеткаси бўйича қуйидаги тариф разрядлари қўлланилади:

Лавозимлар номи	Ягона тариф сеткаси бўйича разряд
Ижрочи директор	16
Бўлим бошлиғи	14
Бош мутахассис (мувофиқлаштирувчи)	12
Етакчи мутахассис	11

VI. ЖАМҒАРМАНИНГ МОЛ-МУЛКИ ВА МАБЛАҒЛАРИ

21. Жамғарманиннг мол-мулки асосий воситалардан ва Жамғарма қатнашчиларининг бадаллари ҳамда бошқа тушумлар ҳисобига Жамғарма томонидан сотиб олинган бошқа активлардан шаклланади.

22. «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг пул маблағлари:

Жамғарма қатнашчиларининг пул бадалларидан;

бюджетдан ташқари жамғармалар ажратиладиган маблағлардан;

Ўзбекистон Республикасининг ҳам резидентлари, ҳам норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек халқаро ташкилотларнинг ҳомийлик маблағларидан;

Жамғарма фаолиятдан, шунингдек Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида у томонидан ташкил этилган корхоналар ва ташкилотлар фаолиятдан олинган даромадлардан;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлардан шаклланади.

23. Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари йиллик сметаси Жамғарма бошқарувининг тақдимномасига кўра Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланади.

Жамғарма маблағлари биринчи навбатда тегишли давлат дастурлари ва Ҳукумат қарорлари билан назарда тутилган тадбирларга, энг аввало «Соғлом авлод» давлат дастурини амалга оширишга сарфланади.

Жамғарма минтақавий филиаллари ҳисоб рақамларидаги маблағлар қолдиғи календарь йил охиридаги ҳолатига кўра уч кун муддатда уларни Жамғарма марказий аппаратининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан тўпланади ва ундан навбатдаги календарь йилда мақсадли харажатларни маблағ билан таъминлаш учун фойдаланилиши мумкин.

24. Жамғарма солиқлар, йиғимлар ва тўловларни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлайди.

25. Жамғарма ва унинг минтақавий филиаллари ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавоб беради.

Давлат Жамғарма мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, Жамғарма эса давлат мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

26. Жамғарманинг мулкӣ ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг жамоат ташкилотлари учун белгиланган қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳимоя қилинади.

VII. ЖАМҒАРМАНИ ТУГАТИШ

27. Жамғарма фаолияти Жамғарма конференциясининг қарорига кўра ёки қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда тўхтатилади.

28. Тугатилган Жамғарманинг кредиторларнинг талаблари қондирилгандан кейин қолган мол-мулки давлат ихтиёрига ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори
31.12.1997 й. № 585 «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари»
уюшмасини ташкил этиш тўғрисида

Етим болаларни уйғун ривожлантириш ва тарбиялаш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОРИ ҚИЛАДИ:**

1. «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «SOS – Киндердорф Интернешнл» халқаро жамияти (Австрия) билан биргаликда «Ўзбекистон болалар маҳаллалари» («SOS – Детские деревни Узбекистана») уюшмасини ташкил этиш ва Тошкент шаҳрида Болалар маҳалласини («SOS – Детская деревня») куриш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси тўғрисидаги Низомга розилик берилсин (илова қилинади). Маълумот учун қабул қилинсинки, қуйидагилар «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасининг асосий вазифалари ҳисобланади;

жамоатчилик ва давлат тузилмаларининг етим болаларни жисмоний, интеллектуал ва маънавий ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлашни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

етим болаларни Ўзбекистонда қабул қилинган анъанавий педагогика тамойилларини ҳисобга олган ҳолда тарбиялаш. Тарбиячи оналарни ва ходимларни танлаш, улар учун педагогик ва бошқа зарур тайёргарликни ташкил этиш;

«SOS – Киндердорф Интернешнл» жамияти аъзолари бўлган ташкилотлар билан «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» ва улар билан боғлиқ SOS – лойиҳалари болалар боғчалари, мактаблар, ўқитиш, спорт ва дам олиш марказлари куриш ва уларни тўлиқ жиҳозлашни ташкил этишда воқитчи сифатида ҳамкорлик қилиш;

давлат, жамоат ва хусусий тузилмаларни Уюшма фаолиятига фаол жалб қилиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д. Фуломова жаҳондаги SOS – болалар маҳаллаларига қўмаклашиш халқаро жамияти («SOS – Киндердорф Интернешнл», Австрия) билан Битимни ишлаб чиқсин ва Ҳукумат номидан имзоласин, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

а) «SOS – Киндердорф Интернешнл» халқаро жамияти:

«Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа органлар, шу жумладан, жамоат ташкилотлари билан биргаликда фаолияти Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасини таъсис этади;

Тошкент шаҳрида биринчи болалар маҳалласи ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Ҳукумати билан яқиндан ҳамкорлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳурмат қилиш ва бажариш, Ўзбекистоннинг тарбия ва аъъанавий педагогика тамойилларига амал қилиш мажбуриятини олади;

Ўзбекистонда болалар маҳаллалари ва болалар боғчалари, мактаблар, ўқитиш ва дам олиш марказлари, клиникалвр каби бошқа SOS – лойиҳаларни тўлиқ ташкил этиш, кўриш ва жиҳозлаш учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олади;

«SOS – Болалар маҳаллалари»даги етим болаларнинг тўлиқ харажатларини, шунингдек, ходимларга иш ҳақи тўлашни, шу жумладан, ижтимоий, тиббий суғурталашни ва пенсия таъминотини уларнинг бутун ҳаёт фаолияти давомида маблағ билан таъминлайди;

б) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати:

«SOS – Киндердорф Интернешнл» халқаро жамиятига ва «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча бошқа жамоат ва хайрия ташкилотларига бериладиган имтиёзларни бериш;

«SOS – Тошкент шаҳридаги Болалар маҳалласи» қурилиши ва у билан боғлиқ қурилиш объектлари учун камида 5 гектар ер майдони, уни солиқлардан озод қилган ҳолда, ажратиш;

қурилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва «SOS – Тошкент шаҳридаги Болалар маҳалласи»ни унинг чегарасигача коммуникациялар тармоғи ва бошқа зарур хизматлар билан таъминлаш мажбуриятини олади;

в) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати республика ҳудудида амал қилаётган меъёрлар, қоидалар ва қонунларга зид ёки зарар келтиради деб ҳисоблайдиган ҳамма нарсани тақиқлаб қўйиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

4. Бош вазир ўринбосари Д. М. Фуломовага «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасини ташкил этиш ва Уюшма ҳамда унинг ишчи органлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш юзасидан масалалар мажмуини бир ой муддатда ишлаб чиқиш ва таъсис йиғилишини ўтказиш топширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасини ўз фаолиятини халқаро мурувват дастурлари ва ижтимоий соҳада беғараз техникавий кўмаклашиш доирасида амалга оширувчи ташкилот сифатида аккредитация қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда:

«SOS – Киндердорф Интернешнл» халқаро жамияти билан келишган ҳолда Тошкент шаҳрида камида 5 гектар ер майдони ажратсин;

«SOS – Болалар маҳалласи» чегарасигача бўлган муҳандислик коммуникациялари курилишини ўз маблағлари ҳисобидан таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «SOS – Киндердорф Интернешнл» ва «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси билан биргаликда етим болалар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тарбиячи «оналарни» педагогик жиҳатдан тайёрлашни амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «SOS – Киндердорф Интернешнл» ва «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси билан биргаликда «SOS – Болалар маҳалласи»га қабул қилинадиган етим болаларни тиббий кўрикдан ўтказишни таъминласин.

10. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасининг мурувват лойиҳалари билан боғлиқ барча юкларнинг имтиёзли тарифлар бўйича тўсиқларсиз қабул қилинишини ва жўнатилишини таъминласинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда «SOS – Болалар маҳалласи» курилишида ва унинг ходимларига амалий ёрдам кўрсатишда қатнашиш учун «SOS – Киндердорф Интернешнл» томонидан жалб қилинадиган хорижий мутахассисларга визалар, шу жумладан кўп марталик визалар, яшаши ва ишлаши учун рухсатномалар берсинлар.

12. Уюшма аппарати Тошкент шаҳар, Охунбобоев кўчасидаги 15-уйга жойлаштирилсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари Д. М. Ғуломова зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. Каримов

**Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 декабрдаги 585-сон
қарорига ИЛОВА «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари»
уюшмаси тўғрисида НИЗОМ**

- I. Умумий қоидалар
- II. Фаолиятининг асосий мақсади ва йўналишлари
- III. Юридик мақоми
- IV. Уюшманинг ҳуқуқлари
- V. Уюшманинг жавобгарлиги
- VI. Мол-мулки, маблағ билан таъминлаш манбалари
- VII. Тузилмаси ва бошқарув органлари
- VIII. Уюшма аъзолари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- IX. Уюшма фаолиятининг тўхтатилиши

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси (бундан кейин матнда Уюшма деб аталади) етим болаларни жисмоний, интеллектуал ва маънавий ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш учун болалар маҳаллалари ташкил этиш бўйича «SOS – Киндердорф Интернешнл» халқаро жамияти томонидан таъсис этилади.

2. Уюшманинг номи:

ўзбек тилида – «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси;
инглиз тилида – «SOS – Childrens villages Assatiation of Uzbekistan»;
рус тилида – ассоциация «SOS – Детские деревни Узбекистана».

3. Ўзбек ва инглиз тиллари Уюшманинг расмий тиллари ҳисобланади.
Ўзбек, инглиз ва рус тиллари иш юритиш тиллари ҳисобланади.

4. Уюшманинг жойлашган манзили:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 15-уй.

**II. ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ
ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ**

5. Қуйидагилар Уюшма фаолиятининг асосий мақсади ва йўналишлари ҳисобланади:

жамоат ва давлат тузилмаларининг етим болаларни жисмоний, интеллектуал ва маънавий ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишга, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлашни таъминлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

етим ва ташлаб кетилган болаларни тарбиялашни ҳамда уларга ёрдам беришни таъминлашга, улар учун оилалардаги каби ҳаёт шароитлари яратишга йўналтирилган лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга молиявий ёрдам бериш;

барча болаларга, айниқса етим болаларга, шунингдек етим болаларни тарбиялаётган оналарга ёрдам бериш;

Ўзбекистон Республикасида SOS – болалар маҳаллалари ҳамда болалар боғчалари, мактаблар, ўқув, спорт ва дам олиш марказлари, клиникалар ва шу каби улар билан узвий боғлиқ инсонпарварлик SOS – лойиҳаларни куришни ҳамда асбоб-анжомлар билан тўлиқ жиҳозлашни ташкил этиш;

«SOS – Киндердорф Интернешнл» билан ҳамкорлик қилиш;

SOS – болалар маҳаллалари ҳамда SOS – лойиҳалар учун тарбиячи оналар ва ходимлар танлаш ва улар учун педагогик ҳамда бошқа зарур тайёргарликни ташкил этиш;

давлат, жамоат ва хусусий тузилмаларни Уюшма фаолиятига фаол жалб этиш;

етим болалар учун инсонпарварлик дастурларини ҳамда Герман Гмайнернинг педагогик ғояларини оммалаштириш ва қўллаб-қувватлаш учун мақолалар, ахборот материалларини нашр қилиш, кўргазмалар, семинарлар уюштириш, оммавий ахборот воситалари билан ишларни ташкил этиш.

III. ЮРИДИК МАҚОМИ

6. «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси «SOS – Киндердорф Интернешнл» халқаро уюшмаси таркибига киради.

7. Уюшма банк муассасаларида ўзининг ҳисоб-китоб ва валюта счёتلарини очиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс ҳисобланади, ўз мажбуриятлари бўйича ўзининг мол-мулки билан жавоб беради, судда ва ҳакамлик судида даъвогар ёки жавобгар сифатида қатнашади. Уюшма «SOS – Киндердорф Интернешнл» рамзидан фойдаланган ҳолда ўз муҳрига, фирма бланкларига ва бошқа реқвизитларга эга бўлади.

8. Уюшма ўз фаолиятида «Ўзбекистон Республикасидаги жамоат бирлашмалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатларига ва ушбу Низомга амал қилади.

IV. УЮШМАНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

9. Уюшма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

етим болаларни тарбиялаш, ижтимоий муҳофаза қилиш ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлашни таъминлаш муаммоларига оид республика ва халқаро инсонпарварлик дастурлари ҳамда лойиҳаларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қатнашиш;

Ўзбекистон Республикасида SOS – болалар маҳаллалари ва бошқа SOS – объектларини ташкил этиш ҳамда уларнинг ҳаёт фаолиятини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи ва қонун чиқарувчи органларига «SOS – Киндердорф Интернешнл» мақсади ва вазифаларидан келиб чиқадиган таклифлар киритиш.

10. Уюшма қуйидагиларга мажбурдир:

«SOS – Киндердорф Интернешнл» йул-йўриқлари ва кўрсатмаларини бажариш;

ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва ушбу Низомга мувофиқ юритиш,

V. УЮШМАНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

11. Уюшма Ўзбекистондаги SOS – Болалар маҳаллалари ва SOS – лойиҳалар эгаси ҳисобланади ҳамда уларни ташкил этиш, жиҳозлаш ва уларнинг фаолияти учун тўлиқ молиявий ва бошқача турларда жавоб беради.

VI. МОЛ-МУЛКИ, МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАНБАЛАРИ

12. Уюшма юридик шахс ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро ҳуқуқ нормаларига биноан ўз фаолияти мақсадлари ва мол-мулкнинг мўлжалланганлигига мувофиқ уларга эгаллик қилади, улардан фойдаланади ва уларни тасарруф этади. Уюшманинг мулкый ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ химоя қилинади.

13. Уюшма маблағлари қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

«SOS – Киндердорф Интернешнл» уюшмасидан, «SOS – Киндердорф Интернешнл» халқаро жамияти ва бу ташкилотга кирувчи жамиятлар ва иттифоқлардан тушумлар;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан, шунингдек хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан, хусусий шахслардан бегараз хайрия бадаллари, хайр-эҳсонлар ва тушумлардан;

меросдан, етим болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш маблағларидан, исталган турдаги жамоатчилик тушумларидан, маҳаллий ва халқаро хайр-эҳсонлардан;

мурувват тадбирларини ва мурувват йўналишидаги бошқа тадбирларни ўтказишдан олинган даромадлар;

қонун ҳужжатларига ва мазкур Низомга зид бўлмаган бошқа даромадлардан.

14. Бошқарув қарорига кўра Уюшманинг ўз маблағларидан ҳам Ўзбекистондаги, ҳам унинг ташқарисидаги қаровчисиз қолган болаларга ёрдам бериш учун фойдаланилиши мумкин. Бошқарув ҳар йили бу маблағларнинг бир қисмини «SOS – Киндердорф Интернешнл» доирасидаги хорижий мурувват лойиҳаларига ажратиш ҳуқуқига эга, бунда маблағлар хайр-эҳсон йиғишда эълон қилинган мақсадлар учунгина ажратилиши мумкин.

VII. ТУЗИЛМАСИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

15. Уюшманинг тузилмаси:

Уюшма аъзоларининг умумий йиғилишидан;

Уюшма бошқарувидан;

тафтиш комиссиясидан;

Уюшма дирекциясидан иборат бўлади.

16. Умумий йиғилиш Уюшманинг юқори раҳбар органи ҳисобланади. Умумий йиғилишда барча ҳақиқий ва фахрий аъзолар, шунингдек «SOS – Киндердорф Интернешнл» халқаро жамиятининг икки овозга эга бўлган икки вакили қатнашишлари мумкин. Умумий йиғилиш ҳар йили камида бир марта чақирилади. Йиғилиш ўтказиладиган сана кун тартиби, ўтказиладиган жойи ва санаси кўрсатилган ҳолда бир ой олдин эълон қилинади.

Умумий йиғилиш «SOS – Киндердорф Интернешнл» Уставига мувофиқ чақирилган бўлса қарор қабул қилишга ҳақлидир ва у протокол билан расмийлаштирилиши керак.

17. «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши зарурият бўлганда Уюшма президенти томонидан чақирилиши мумкин. Президент навбатдан ташқари йиғилишни бу ҳақида бошқарув ёки Уюшма аъзоларининг ярми ёки «SOS – Киндердорф Интернешнл» талаб қилса ўтказиши керак.

18. Йиғилиш унда Уюшма аъзоларининг 60 фоизи қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Қарор оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

19. Қуйидагилар умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатига киради: президентни ва бошқарувнинг бошқа аъзоларини сайлаш ва овоз қилиш;

«SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» дўстларини қабул қилиш ва чиқариш;

тафтиш комиссиясини сайлаш ва овоз қилиш;

ҳар йиллик молиявий ҳисоботни тасдиқлаш;

«SOS – Киндердорф Интернешнл» халқаро жамияти билан келишган ҳолда Уюшма фаолиятини тугатиш.

Бошқарув ёки Уюшма дирекцияси ташаббусига кўра Уюшма фаолиятига тегишли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқиш учун киритилиши мумкин.

20. Бошқарув президентдан, вице-президентдан, хазиначи ва Уюшманинг тўрт аъзосидан иборат бўлади. Бошқарув таркибига шунингдек «SOS – Киндердорф Интернешнл» халқаро жамияти вакиллари киради.

21. Бошқарув уч йил муддатга сайланади ва жамоатчилик асосида Уюшманинг мурувват фаолиятига жорий раҳбарлик қилади, унинг мақсади ва вазифаларига жавоб берувчи ташкилий-молиявий тадбирларни ўтказиши.

22. Президент ёки вице-президент бошқарув йиғилишини заруриятта кўра, лекин йилига камида 4 марта, чақирилади.

23. Бошқарув қарори президент ёки вице-президент, шунингдек унинг аъзоларининг ярми қатнашган тақдирда кучга эга бўлади ва оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

24. Бошқарув иш юритиш тартибини белгилайди, Уюшманинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ маблағларни харажат қилади, йиллик ҳисоботни тузади.

25. Аъзолардан бири чиқиб кетган тақдирда бошқарув Уюшманинг ҳақиқий аъзоларидан бирини чақирик муддати тугагунга қадар бошқарув таркибига киритишга ҳақлидир.

26. Бошқарув «SOS – Киндердорф Интернешнл» халқаро жамиятининг «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасига тегишли кўрсатмаларини бажаришга мажбурдир.

27. Уюшма аъзоларининг йиғилиши уч йил муддатга тафтиш комиссиясини сайлайди.

28. Тафтиш комиссияси «SOS – Киндердорф Интернешнл» халқаро жамияти мезонлари ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар йили Уюшманинг барча молиявий фаолиятини текшириши керак.

29. Уюшманинг молиявий йили жорий йилнинг 31 январиди тугайди.

30. Уюшманинг мақсади ва вазифаларни бажариш ҳамда жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш учун бошқарув дирекцияни таъсис этади. Директор Уюшма президенти томонидан «SOS – Киндердорф Интернешнл» жамияти билан келишилган ҳолда тайинланади.

31. Директор бошқарув аъзоси ҳисобланади ва Уюшма бошқаруви мажлисида эгаллаб турган лавозимига кўра маслаҳат овози билан қатнашишга мажбур.

VIII. УЮШМА АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

32. Уюшманинг ҳақиқий аъзолари, фахрий аъзолари ва «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси дўстлари (ҳомий аъзолар) Уюшманинг аъзолари ҳисобланади.

33. Мазкур Низомнинг муқаддимасига мувофиқ SOS – болалар маҳаллалари ғоясини қўллаб-қувватлаётган ва Уюшма бошқаруви томонидан шундай деб тан олинган юридик ва жисмоний шахслар Уюшманинг ҳақиқий аъзолари бўлишлари мумкин. Уюшма ҳақиқий аъзоларининг сони 25 кишидан ошмаслиги керак.

Уюшманинг янги ҳақиқий аъзолари Уюшма бошқарувининг умумий йиғилишдаги таклифи бўйича, агар бу таклифни Уюшма ҳақиқий аъзоларининг кўпчилиги ёқлаб овоз берса, қабул қилинади.

34. «SOS – Киндердорф Интернешнл» мақсадларини амалга оширишда хизмат кўрсатган ва ютуқларга эга бўлган шахслар Уюшманинг фахрий аъзолари ҳисобланади. Бу шахслар Уюшманинг фахрий аъзолари сифатида

Уюшма бошқарувининг умумий йиғилишдаги таклифи бўйича, агар бу таклифни кўпчилик ёқлаб овоз берса, сайланади.

35. Уюшманинг ҳақиқий ва фахрий аъзолари Уюшманинг раҳбар органларига сайлаш ва сайланиш, ўз дастурлари ва таклифларини кўриб чиқиш учун киритиш, Уюшма томонидан ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

36. Доимий (эркин миқдордаги) бадаллари билан Уюшма ишларини кўллаб-қувватлайдиган жисмоний ва юридик шахслар «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари»нинг дўстлари ҳисобланадилар. Уларни қабул қилиш тўғрисидаги масала бошқарув томонидан, оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан ҳал этилади.

37. Уюшма аъзолари:

Уюшманинг асосий вазифаларини бажаришга фаол кўмаклашишга мажбурдирлар;

«SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси дастурларини амалга оширишда аниқ ёрдам кўрсатишга доир тадбирларда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар;

Уюшма бошқарувига ёзма равишда билдиришнома тақдим этган ҳолда Уюшмадан чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Уюшмадан чиққиш санаси билдиришнома тақдим этилгандан кейин 3 ой ўтгач бошланади.

38. Уюшманинг ҳақиқий аъзолари Уюшма бошқаруви томонидан белгиланган тартибда ва миқдорларда йилнинг ҳар чорагида Уюшманинг устав жамғармасига молиявий бадал тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

39. Уюшмага аъзолик:

жисмоний шахснинг вафоти муносабати билан;
юридик шахс тугатилган тақдирда тугаган ҳисобланади.

40. Аъзоларни Уюшмадан чиқариш тўғрисидаги қарор бошқарув томонидан, аъзолар учдан икки қисмининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Уюшма аъзолари унга аъзоликдан чиқарилганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиниши керак. Аъзоликдан чиқарилганлик тўғрисида Уюшма аъзосининг аъзоликдан чиқарилганлиги эътироф этилгандан кейин 2 ой мобайнида норозилик билдирилиши мумкин.

41. Аъзоликдан чиқиш чоғида, ушбу аъзолар томонидан тўланган бадаллар қайтариб берилмайди. Уюшма аъзолигидан чиқиш ёки чиқарилиш тегишли юридик шахслар ва Уюшманинг улар ўртасида тузилган шартнома-лардан келиб чиққан ўзаро мажбуриятларига дахл қилмайди.

IX. УЮШМА ФАОЛИЯТИНИНГ ТЎХТАТИЛИШИ

Уюшма фаолиятини тўхтатиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
25.05.2004 й. № ПФ-3434 Ўзбекистон Хотин-Қизлар
Қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги
қўшимча Чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг, республика хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб бораётган ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа давлат тузилмалари хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, оилада, жамият ва давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишдаги ўрнини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни танқидий баҳолаб, уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва янгиланишлар ислохотларнинг мавқеи даражасига кўтариш чора-тадбирларини жорий этсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларнинг тегишли хотин-қизлар қўмиталари раисларининг вазифаларни тақсимлаш бўйича улар зиммасига юклатиладиган ваколатлар доираси жиддий равишда қайта кўриб чиқилсин ва фаолиятига кенг йўл очиб берилсин.

2. Куйидагилар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятининг энг муҳим вазифалари ва йўналишлари деб ҳисоблансин:

хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал жиҳатдан ўстириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат қурилишида фаол қатнашишлари соҳасидаги умуммиллий сиёсатни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ қилиш;

хотин-қизларнинг соғлиғини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса қишлоқ жойларида уларнинг меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган дастурларни тайёрлаш ва амалга ошириш;

жойларда (оила, маҳаллалар, меҳнат жамоалари, таълим муассасаларида) миллий-диний анъаналарни тушунтириш ва уларга риоя қилиш, хотин-қизларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, бузғунчи кучларнинг хотин-қизлар онгига таъсир ўтказиш, уларни экстремистик ва террористик фаолиятга жалб этиш йўлидаги уринишларига қарши қаратилган ишларни самарали ташкил қилиш;

хотин-қизларнинг нодавлат ноғижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан самарали ҳамкорликни таъминлаш, бу ташкилотларнинг саъй-ҳаракатларини жамиятни модернизациялаш ва демократии янгилаш жараёнларида, Ўзбекистонда жамият ва давлат қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги ишларга йўналтириш.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига, ўз олдида турган вазибаларни ҳисобга олган ҳолда, республика хотин-қизларининг жамоат ташкилоти сифатида, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг янги таҳрирдаги Низомини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш тавсия этилсин.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг ишчи аппарати бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 18 кишидан иборат бўлган тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар хотин-қизлар қўмиталарининг, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари – тегишли хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ишчи аппаратлари тузилмалари 2-4-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

4. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2004 йил 1 июлдан бошлаб фуқаролар йиғинлари кенгашлари аппаратининг тузилмасига тарбиячи-педагог лавозими ўрнига:

худудда камида 500 оила яшайдиган маҳаллаларда;

таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган посёлка, қишлоқ ва овулларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг лавозим маошлари Ягона тариф сеткаси бўйича 5 (қишлоқ жойларда) ва 6 (шаҳарларда) разрядлари даражасида белгилансин.

Маҳаллалар аппарати тузилмасини қайта қўриб чиқиш ва янги штатлар жадвалига мувофиқ янги лавозимлар билан тўлдириш борасидаги масъулият шахсан туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда маҳалла, посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғини кенгашларининг раислари зиммасига юклатилсин.

5. Туман (шаҳар) ҳокимликлари:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларига ҳаёт тажрибасига эга бўлган, аҳолига, биринчи навбатда ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топшириш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларида ижобий таъсир ўтказа оладиган энг обрўли ва фаол хотин-қизларни тайинласинлар;

килинган ишларнинг натижалари тўғрисида 2004 йилнинг 1 декабрига қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ахборот тақдим этсинлар.

6. Хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларини тузиш ҳамда уларнинг ишини ташкил қилиш борасидаги фаолиятни тартибга солиш мақсадида Адлия вазирлиги (А. Полвонзода) Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, унинг жойлардаги бўлинмалари билан биргаликда 2004 йилнинг 1 ноябрига қадар «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ хотин-қизларнинг республика ва минтақавий нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олиш ҳамда қайта рўйхатга олиш бўйича зарур кўмак ва ёрдам берилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (М. Нурмуродов) 2004 йилнинг 1 июлидан бошлаб:

ушбу Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари ўринбосарлари – тегишли хотин-қизлар кўмиталари раисларининг ишчи аппаратларига қўшимча равишда киритилаётган лавозимларни;

тарбиячи-педагог лавозимларини тугатиш натижасида бўшайдиган маблағлар ҳисобига фуқаролар йиғинлари кенгашларининг аппаратларидаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларини таъминлашга давлат бюджетидан зарур маблағ ажратилишини кўзда тутсин.

8. Ўзтелерадиокомпания (А. Кўчимов), Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Р. Шоғуломов), ЎзА (М. Ҳазратқулов)га Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишларини таъминлашга қаратилган фаолиятини кенг ёритиш тавсия этилсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Р. Шоабдурахмонов) икки ой муддатда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси аппаратини жойлаштириш учун бино ажратсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (А. Полвонзода) Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиққан ҳолда киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизлар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари С. Иномова ва Р. Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. Каримов

ДАВЛАТ БУЮРТМА – ТЕНДЕР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори
21.11.2000 й. № 456 Тендер савдоларини ташкил этишни
такомиллаштириш Чора-тадбирлари тўғрисида

Мазкур Қарорга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган
ЎзР ВМ 28.02.2003 й. 112-сон Қарори,
ЎзР ВМ 30.09.2003 й. 416-сон Қарори,
ЎзР ВМ 17.01.2004 й. 28-сон Қарори,
ЎзР ВМ 08.09.2005 й. 206-сон Қарори,
ЎзР Президентининг 12.12.2007 й. ПҚ-744-сон Қарори,
ЎзР Президентининг 29.12.2008 й. ПҚ-1024-сон Қарори,
ЎзР ВМ 20.02.2009 й. 50-сон Қарори

Хорижий кредитлар ва грантлар маблағларидан янада самарали фойдаланиш, мамлакатимиздаги ва чет эллик маҳсулот етказиб берувчилар ўртасидаги рақобатни ривожлантириш, маҳсулот етказиб беришга кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш, хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналарни харид қилиш юзасидан тендер савдолари ташкил этиш ва ўтказиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Белгилансинки, 2000 йил 1 декабрдан бошлаб:

давлат бюджети, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар маблағлари, шунингдек ҳукумат қафолати остида халқаро ва хорижий молия муассасалари, шу жумладан Жаҳон банки гуруҳи, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Япония Халқаро ҳамкорлик банки, «КфВ» банки ва бошқалар томонидан бериладиган хорижий кредитлар ва грантлар ҳисобига маблағ билан таъминланадиган ва битта контракт бўйича қиймати 100 минг АҚШ долларига тенг миқдордан ортиқ бўлган импорт ва мамлакатимиздаги хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар тендер асосида харид қилинади;

хорижий етказиб берувчилар билан тузиладиган тендер контрактлари бўйича юклар ташилишини таъминлайдиган транспорт-экспедиторлик компаниялари тендер асосида танланади.

Агар ҳукумат қафолати остидаги хорижий кредитлар ва хорижий грантлар бериш шартларида товарларни харид қилишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлса, шунингдек харидлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ амалга оширилаётган бўлса тендерлар ўтказилмайди.

2. Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналарни харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, бюджетдан маблағ олувчилар товарлар, ишлар, хизматларнинг барча турларини харид қилишда ушбу Низомга амал қиладилар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. (ЎзР Президентининг 12.12.2007 й. ПҚ-744-сон Қарори тахриридаги хат боши)

ЎзР Президентининг 12.12.2007 й. ПҚ-744-сон Қарорига мувофиқ иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин

Вазирликлар ва идораларга, корхоналар ва ташкилотларга ўз маблағлари ҳисобига хом ашё, материаллар, бугловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилишда тасдиқланган Низомга амал қилиш тавсия этилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарор талаблари бажарилиши таъминланиши учун вазирликлар ва идоралар, концернлар, уюшмалар, корпорациялар, компаниялар, корхоналар, ташкилотлар ва ҳудудий бошқарув органлари раҳбарлари шахсан жавоб берадилар.

4. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. Каримов

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон қарорига ИЛОВА Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низомга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган
ЎзР ВМ 28.02.2003 й. 112-сон Қарори,
ЎзР ВМ 30.09.2003 й. 416-сон Қарори,
ЎзР ВМ 17.01.2004 й. 28-сон Қарори,
ЎзР ВМ 08.09.2005 й. 206-сон Қарори,
ЎзР Президентининг 29.12.2008 й. ПҚ-1024-сон Қарори,
ЎзР ВМ 20.02.2009 й. 50-сон Қарори

- I. Умумий қоидалар
- II. Тендерларни ташкил этиш
- III. Тендерларнинг турлари
- IV. Тендерни ташкил этиш ва ўтказиш босқичлари
- V. Тендер тўғрисидаги эълонларни тайёрлаш ва чоп этиш
- VI. Тендер ҳужжатларига қўйиладиган асосий шартлар
- VII. Тендер қатнашчилари
- VIII. Тендерда қатнашиш учун даъвогарларни танлаб олиш
- IX. Тендер тўтказиш тартиби
- X. Тендер таклифларини баҳолаш тартиби
- X-I. Мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) учун нарх имтиёзлари берган ҳолда тендер савдолари ўтказишда тендер таклифларини баҳолаш хусусиятлари
- XI. Тендер натижалари бўйича тузилган контрактлар бажарилишининг кафолати, рўйхатга олинishi ва ижро этиш мониторинги
- XII. Жавобгарлик

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом, хорижий товар етказиб берувчилар билан бир қаторда, мамлакатимиз корхоналарини, шу жумладан кичик бизнес субъектларини тендер савдолари жараёнига жалб этиш мақсадида ишлаб чиқилган. (ЎзР ВМ 17.01.2004 й. 28-сон Қарори тахриридаги банд)

2. Низом импорт қилинадиган ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналарни давлат бюджети, давлат бюджетида жамланадиган бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар маблағлари, ҳукумат кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар ҳамда халқаро ва хорижий молия институтлари, шу жумладан Жаҳон банки гуруҳи, Европа тикланиш ва тараққиёт

банки, Осиё тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик банки, «КфВ» банки ва бошқалар томонидан бериладиган хорижий грантлар ҳисобига харид қилиш юзасидан тендер савдолари (кейинги ўринларда «тендерлар» деб аталади) ўтказишни ташкил этиш механизмини белгилаб беради.

3. Ушбу Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ товарларни тендер бўйича харид қилишга, шунингдек агар хорижий кредитлар ва грантларни бериш шартларида харидларнинг бошқача тартиби белгиланган бўлса, татбиқ этилмайди.

4. Қуйидагилар:

хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилишга йўналтириладиган давлат бюджети, давлат бюджетида жамланадиган бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар маблағларидан, ҳукумат қафолати остида бериладиган хорижий кредитлар ва хорижий грантлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

харид қилинадиган хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар сифатини ошириш тендерлар ўтказишнинг мақсади ҳисобланади.

5. Тендер савдолари 100 минг АҚШ доллариға тенг миқдордан ортик битта контракт бўйича товарлар етказиб беришни амалга оширишда ўтказилади.

Қиймати 100 минг АҚШ доллариға тенг миқдордан кам бўлган битта контракт бўйича товарлар етказиб беришни амалга оширишда харидлар энг яхши танлов таклифларини танлаб олиш асосида амалга оширилади.

5-1. Қуйидаги ҳолларда тендер (танлов) ўтказмасдан товар етказиб берувчилар (базарувчилар, пудратчилар) билан контрактлар тузилиши мумкин:

1) товарлар етказиб бериш, табиий монополиялар субъектлари фаолияти соҳасига тегишли бўлганда;

2) товарлар биржа орқали харид қилинганда;

3) шартнома тузиш вақтида энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ошмаган суммада товарлар сотиб олинганда;

4) тарих ва маданият ёдгорликлари сифатида давлат муҳофазасига олинган ҳамда давлат музей, кутубхона, архив фондларини, кинофотофондини ва бошқа шунга ўхшаш фондларни тўлдириш учун мўлжалланган тарихий, бадиий ёки бошқа маданият аҳамиятига молик маданий бойликлар (картиналар, скульптуралар, адабий асарлар ва бошқалар), шу жумладан, музей предметлари ва музей коллекциялари, шунингдек нодир ва қимматли нашрлар ва қўлёзмалар, архив ҳужжатлари, жумладан уларнинг нусхаларини етказиб беришни амалга оширганда;

5) товарларни сотишга алоҳида ҳуқуқи бўлган фақат битта етказиб берувчидан товарлар харид қилиш мумкин бўлганда;

6) тузилган контрактнинг шартлари дастлабки контракт умумий суммасининг 20 фоизидан ошмайдиган суммага тенг қўшимча ишларни бажариш мақсадида ўзгарганда;

7) бажариш ёки хизмат кўрсатишни амалга ошириш фақат давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ёки уларга бўйсунувчи давлат муассасалари ва корхоналари томонидан уларнинг ваколатларига мувофиқ мумкин бўлган ишлар ёки хизматларга эҳтиёж туғилганда;

8) енгиб бўлмас кучлар (табiiй офатлар, ёнғинлар, фалокатлар, авариялар ва ҳоказолар) оқибатларини бартараф этиш (олдини олиш) учун зарур бўлган муайян товарларга тезкор эҳтиёж туғилганда, бунинг натижасида вақтнинг йўқотилиши талаб қилинадиган бошқа буюртмани жойлаштириш усулларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмаганда (тегишли молия органлари келишуви бўйича);

9) етказиб берувчиларнинг ёки контрактда уларнинг манфаатдорлиги йўқлиги сабабли буюртмачи томонидан тендер (танлов) бўлиб ўтмаган деб ҳисоблаш натижасида, агар буюртмачи узоқ туманларда жойлашган бўлса, буюртмачининг фаолият кўрсатиш ҳудудида ва яқин жойлашган туманларда фақат битта етказиб берувчи мавжуд бўлса, шунингдек бошқа жойлардан нарх котиrowкаларини олиш ҳеч қандай фойда олиш ёки иқтисод қилиш аниқланганда ва транспорт харажатлари учун нархлар ошиб кетишига олиб келганда. Бунда ягона етказиб берувчига буюртмаларни жойлаштириш тегишли молия органлари билан келишган ҳолда амалга оширилади. (ЎзР Президентининг 29.12.2008 й. ПҚ-1024-сон Қарори тахриридаги банд)

5-2. Енгиб бўлмас кучлар оқибатларини бартараф этиш (олдини олиш) учун товарларга шошилиш эҳтиёж вужудга келган тақдирда ёки контрактда уларнинг манфаатдорлиги йўқлиги сабабли тендер (танлов)ни бўлиб ўтмаган деб ҳисоблаш натижасида буюртмачи тендер (танлов) ўтказмасдан ягона етказиб берувчига буюртмани жойлаштириш тўғрисидаги қарорни келишиш учун тегишли молия органларига ёзма мурожаат юборади.

Ягона етказиб берувчига буюртмани жойлаштириш тўғрисидаги қарорнинг келишиш муддати тегишли молия органига келишиш тўғрисида мурожаат келиб тушган кундан бошлаб ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

Буюртмачи томонидан тендер (танлов) бўлиб ўтмаган деб ҳисоблаш натижасида ягона етказиб берувчига буюртмани жойлаштириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда уни келишиш учун тегишли молия органига мурожаатдан ташқари, шунингдек тендер (танлов) ўтказиш ва уни бўлиб ўтмаган деб ҳисоблаш тўғрисидаги ҳужжатларнинг нусхалари тақдим қилинади.

Бунда контракт ягона етказиб берувчи билан фақат тендер (танлов) ҳужжатларида назарда тутилган шартларда тузилиши мумкин, тузилган контракт баҳоси тендер (танлов) ўтказиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатил-

ган контрактнинг дастлабки баҳосидан ошмаслиги керак. (ЎзР Президентининг 29.12.2008 й. ПҚ-1024-сон Қарори тахриридаги банд)

6. Тендер бўйича харидларда қатнашувчи мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (етказиб берувчилари) билан ҳисоб-китоблар сўмларда амалга оширилади.

7. Қарорларни ошкора ва холисона қабул қилиш, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (етказиб берувчилари) учун устуворликни сақлаган ҳолда тендер қатнашчилари учун тенг рақобат шароитлари яратиш тендерлар ўтказишни ташкил этишнинг асосий тамойиллари ҳисобланади.

8. Тендер савдолари харидларнинг фақат манбаларнинг мавжудлиги ва маблаг билан таъминлаш миқдорлари тўғрисида тасдиқномалар (молия органлари ёки бюджетдан ташқари жамғармаларни тасарруф этувчиларнинг билдириш хати, хорижий кредиторлар билан ҳукумат кафолати остида имзоланган кредит шартномалари, хорижий грантлар бериш тўғрисидаги билдириш хати ва бошқалар) мавжуд бўлган ҳажми бўйича эълон қилиниши мумкин.

II. ТЕНДЕРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

9. Тендерлар тендерларни ўтказишнинг доимий ёки вақтинчалик органи бўлган тендер комиссияси томонидан ўтказилади.

Тендер комиссияси товар етказиб бериш қиймати 1,0 млн АҚШ долларига тенг миқдордан ошмайдиган битта контракт бўйича амалга оширилганда харид қилувчи ташкилот (кейинги ўринларда «бююртмачи» деб аталади) томонидан тузилади. Товар етказиб бериш қиймати 1,0 млн АҚШ долларига тенг миқдордан ошадиган битта контракт бўйича амалга оширилган тақдирда тендер комиссияси бююртмачи томонидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари билан келишган ҳолда тузилади.

Тармоқ вазирликлари ва идоралари рози бўлган тақдирда уларнинг вилоят, туман, шаҳар бўлимлари, ушбу Низом талабларига риоя қилган ҳолда, тендер ўтказиш бўйича бююртмачилар бўлиши мумкин.

10. Тендер комиссияси аъзолари сони тоқ (одатда камида тўққиз, ўн бир киши), шу жумладан унинг таркиби қуйидагилардан иборат бўлади:

бююртмачининг вакиллари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ёки уларнинг ҳудудий бўлинмалари вакиллари (зарур бўлганда); (ЎзР ВМ 08.09.2005 й. 206-сон Қарори тахриридаги хат боши)

хизмат кўрсатувчи тижорат банки ва мустақил эксперт ташкилотлар вакиллари;

буюртмачининг юкори ташкилотлари, вазирликлари, идоралари вакиллари;

тендер савдолари хорижий товар етказиб берувчиларни жалб этган ҳолда ташкил қилинган тақдирда, транспорт-экспедиторлик компаниялари вакиллари.

Буюртмачининг ёки унга қарашли корхоналар ва ташкилотлар вакиллари сони тендер комиссияси таркибининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

Тендер комиссияси аъзоларининг тайинланиши юзасидан буюртмачи жавоб беради.

11. Тендер комиссиясининг ишчи органи тендерларни ўтказишни (товар етказиб берувчиларни олдиндан малакали танлаш, тушадиган таклифларни эксперт баҳолаш, бинолар ва ёрдамчи ходимлар бериш, реклама ишларини ташкил этиш, тендер комиссияси хужжатларини ва шу кабиларни амалга оширишни) амалда ташкил этувчи асосий орган ҳисобланади.

12. Буюртмачининг танлови бўйича шартнома асосида ихтисослашган ташкилот ёки буюртмачининг ўзи ишчи орган бўлиши мумкин, у зарур бўлганда шартнома асосида бошқа ташкилотлар мутахассисларини ҳам жалб этиши мумкин.

Товар етказиб бериш қиймати 1,0 млн АҚШ долларига тенг миқдордан ошадиган битта контракт бўйича амалга оширилганда ишчи орган буюртмачи томонидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари билан келишган ҳолда белгиланади.

Ишчи орган ихтисослашган ташкилотнинг, шунингдек бошқа ташкилотлар мутахассисларининг ҳуқуқ ва вазифалари доираси шартномаларда белгиланади.

13. Тендерларни ўтказишда буюртмачи:

тендерларни ўтказиш, уларнинг ўтказилиш санаси тўғрисида қарор қабул қилади, сотиб олинadиган товарларнинг энг юкори баҳосини белгилайди ва расмий фармойиш чиқаради; (ЎзР Президентининг 29.12.2008 й. ПҚ-1024-сон Қарори тахриридаги хат боши)

ишчи орган фаолиятини назорат қилиб боради ва тендер комиссияси ишида қатнашади;

тендер хужжатларини тайёрлаш шартларини белгилайди;

тендерларни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатларни амалга оширади;

тендер ғолиби билан контракт тузади.

14. Ишчи орган буюртмачи билан келишган ҳолда:

савдо ва уни расмийлаштириш тартиботини белгилайди;

тендер хужжатларини ишлаб чиқишни ташкил этади;

оммавий ахборот воситаларида эълон беради ва/ёки таклифномалар жўнатишни ташкил этади;

жалб этиладиган экспертлар ва консультантлар фаолиятини мувофиқлаштириб боради;
даъвогарларни тендер ҳужжатлари билан таништиради;
аризаларни қабул қилади, уларнинг ҳисобга олиб борилишини, сақланишини ва махфийлигини таъминлайди.

III. ТЕНДЕРЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

15. Ўтказиш усулларига кўра тендерлар очик ёки ёпиқ бўлиши мумкин. Тендер тури буюртмачи томонидан белгиланади.

16. Очик тендерларда, мулкчилик шаклларида қатъи назар, барча юридик шахслар қатнашиши мумкин.

17. Ёпиқ тендерлар истисно ҳолларда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари билан келишган ҳолда, буюртмачи олдиндан белгилаб қўйган ташкилотлар иштирокида ўтказилади, бу ташкилотларга таклифномалар жўнатилади.

IV. ТЕНДЕРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИ

18. Тендерни ташкил этиш ва ўтказиш куйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- тендернинг соҳасини белгилаш;
- тендер ҳужжатларини (ихтисослашган техник ва тижорий консультантларни жалб этган ҳолда) тайёрлаш;
- тендерни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва/ёки тендерда қатнашиши мумкин бўлганларга тендерда қатнашиш учун таклифномалар жўнатиш;
- тендер қатнашчиларидан тендер бўйича таклифларни қабул қилиш;
- тендерда қатнашиши мумкин бўлганларни аниқлаш;
- тендер бўйича тушган таклифларни баҳолаш ва тендер ғолибини аниқлаш;
- тендер ғолиби билан контрактни имзолаш.

V. ТЕНДЕР ТЎҒРИСИДАГИ ЭЪЛОНЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ЧОП ЭТИШ

19. Ишчи орган тендер (тендер савдолари) ўтказилишидан камида 30 кун олдин тендер тўғрисидаги ахборотни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш (бунда ушбу мақсад учун ҳам мамлакатимизда, ҳам чет элларда энг кенг тарқалган ва ихтисослашган журналлар, газеталарни танлаш мажбурий ҳисобланади) ва/ёки мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчиларни,

шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини албатта жалб этган ҳолда почта, телефакс орқали ёки бошқача шаклда аниқ даъвогарларга расмий таклифномалар юбориш йўли билан даъвогарларга етказди. (ЎзР ВМ 20.02.2009 й. 50-сон Қарори тахриридаги хат боши)

Ёпиқ тендерлар ўтказилганда тендер тўғрисидаги эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилмайди.

20. Тендерлар тўғрисидаги ахборотда куйидаги маълумотлар бўлади:
ишчи органнинг номи;
тендернинг мавзуси;
товарни етказиб бериш шартлари ва мўлжалланган етказиб беришни бажариш муддатлари;
сотиб олинадиган товарнинг энг юқори нархи; (ЎзР Президентининг 29.12.2008 й. ПҚ-1024-сон Қарори тахриридаги хат боши)

ЎзР Президентининг 29.12.2008 й. ПҚ-1024-сон Қарорига мувофиқ бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин

тендерда қатнашиш учун даъвогарларни олдиндан малакали танлаш муддатлари;

тендер ҳужжатларини олиши мумкин бўлган тендер комиссияси ишчи органининг манзили, боғланиш телефони ва телефакси;

тендер ҳужжатларининг нархи;

тендер бўйича таклиф бериш вақтида тендер қатнашчиси учун закат суммаси;

тендер комиссияси томонидан таклифларни қабул қилиб олишнинг (кун ва соат кўрсатилган ҳолдаги) сўнгги муддати;

мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган нарх имтиёзлари; (ЎзР ВМ 20.02.2009 й. 50-сон Қарори тахриридаги хат боши), (Олдинги тахририга қаранг)

мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (етказиб берувчилари)нинг, шу жумладан кичик бизнес корхоналарининг тендерда қатнашиши мумкинлигига доир кўрсатмалар. (ЎзР ВМ 17.01.2004 й. 28-сон Қарори тахриридаги хат боши)

VI. ТЕНДЕР ҲУЖЖАТЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ШАРТЛАР

21. Тендер ҳужжатлари куйидагилардан иборат бўлади:

тендер қатнашчиси учун йўриқнома;

тендернинг техник қисми;

тендернинг тижорат қисми;

контрактнинг расмий шакли.

22. Тендер қатнашчиси учун йўриқномада:

тендерлар қачон ўтказилиши тўғрисида маълумот олиш юзасидан тендер комиссиясининг ишчи органи вакили билан боғланиш учун манзил ва боғланиш телефонлари;

тендер комиссиясига юборилаётган тендер таклифларининг нусхалари сони тўғрисида кўрсатма;

тендер таклифини расмийлаштириш тартиби ва уни визалашга нисбатан қўйиладиган талаб;

тендер таклифи унинг қатнашчиси томонидан тендер комиссиясига тақдим этилгандан сўнг унга ўзгартиришлар киритиш ва уни расмийлаштириш тартиби;

нархлар белгилаш ва валютага оид кўрсатма;

тендер комиссиясига таклифлар бериш тартибига нисбатан талаб;

тендер қатнашчисининг келишиб олинган вақт мобайнида ўз таклифидан қайтмаслигини қафолатловчи закат пулининг миқдори, уни тўлаш ва қайтариб олиш тартиби;

буюртмачининг хоҳишига кўра тендер савдолари натижалари бўйича тузилган контрактни зарур даражада бажариш юзасидан бериладиган пул қафолати (гаровга сифатидаги)нинг миқдори, уни тўлаш ва қайтариб олиш тартиби;

тендер қатнашчилари томонидан тендер ҳужжатлари талабларига асосланган таклифлар билан бир қаторда муқобил таклифлар бериш мумкинлиги тўғрисида ахборот;

тендер қатнашчисининг илтимоси асосли бўлганда тендерларнинг ёпилиши санасини бошқа кунга қўчириш мумкинлигига оид кўрсатма;

ҳар қандай ҳужжатнинг ва ўтказилган тендерлар доирасида тузиладиган ҳужжатларнинг махфийлиги таъминланиши;

таклифлар солинган конвертларни очиш тартиботи баёни ва тендер комиссияси томонидан тендер ғолибини аниқлаш муддати кўрсатилади.

23. Тендернинг техник қисмида харид қилинадиган товарга нисбатан зарур технология талаблари бўлади.

24. Тендер ҳужжатининг тижорат қисми қуйидагиларни ўз ичига олади:

товар нархи ва уни белгилаш тартиби (тендер савдоларида қатнашиш учун хорижий товар етказиб берувчилар жалб қилинган ҳолларда харид қилинадиган товарларни ташиб келтиришнинг қиймати алоҳида ажратиб кўрсатилади);

етказиб бериш шартлари;

тўлов шarti ва тўловлар жадвали;

битишувларни маблағ билан таъминлаш манбалари.

25. Контракт расмиятчилиги контрактларга нисбатан қўйиладиган талабларга жавоб бериши керак, жумладан:

контрактнинг халқаро савдо ҳуқуқининг умумий қабул қилинган меъёрларига мувофиқлиги;

контрактнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатларига мувофиқлиги.

Битим (контракт) расмиятчиликларини тузиш чоғида буюртмачи ёки ишчи орган маслаҳатлашиш учун шартнома асосида ихтисослаштирилган консалтинг фирмаларига мурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ТЕНДЕР ҚАТНАШЧИЛАРИ

26. Тендерларда уларда қатнашиш учун қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган ҳам хорижий фирмалар ва ташкилотлар, ҳам ватанимиз ишлаб чиқарувчилари (товар етказиб берувчилари) қатнашишлари мумкин.

27. Эълон босиб чиқарилгандан сўнг тендерда қатнашишни хоҳловчи даъвогарлар тендер ҳужжатлари оладилар, улар пул тўлаш асосида ҳар бир даъвогарга берилади. Тендер ҳужжати олиш учун тўлов миқдори тендер комиссияси томонидан белгиланади. Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари (товар етказиб берувчилари) учун тендер ҳужжатлари олиш учун тўлов миқдори сўмларда белгиланади.

28. Ишчи орган тушган буюртманомалар ва мазкур Низомга асосан даъвогарларни олдиндан малакали танлаб олиш учун материалларни тўплайди ва тартибга солади.

VIII. ТЕНДЕРДА ҚАТНАШИШ УЧУН ДАЪВОГАРЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ

29. Тендер бошлангунга қадар тендерда иштирок этиш учун қўйиладиган даъвогарларнинг тендер комиссияси томонидан малакали танлови ўтказилади.

30. Ишчи органи томонидан амалга ошириладиган малакали танловда: қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган; малакали танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;

илгари тузилган контрактлар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган;

тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;
буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқиладиган;

тижорат ва молния кўрсаткичлари бўйича тендер комиссиясининг талабларига жавоб бермайдиган ташкилотлар ва фирмаларнинг тендерларда иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

31. Танлаб олинган қатнашчилар рўйхати тендер комиссияси томонидан тасдиқланади.

32. Тендерда қатнашишга рухсат этишни рад этиш тўғрисидаги қарор тендер комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу ҳақда ишчи орган даъвогарларни ёзма равишда хабардор қилади.

IX. ТЕНДЕР ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

33. Оммавий ахборот воситаларида тендер ўтказиш тўғрисидаги эълон расман босиб чиқарилган сана ёки тендер қатнашчиси почта (сана почта штемпели бўйича аниқланади), телефакс бўйича ёки бошқа шаклда хабар қилинган (таклиф этилган) сана тендер очилган сана ҳисобланади.

34. Ўтказиладиган тендерлар доирасида тендер таклифлари тайёрлаш муддати тендер комиссияси томонидан белгиланади ва тендер очилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатиб ўтилади.

35. Тендер комиссияси тендер таклифларини тақдим этиш муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин, ушбу қарор тендернинг барча қатнашчиларига нисбатан жорий этилади.

36. Тендер комиссияси ўз иши тартибини мустақил равишда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Мазкур масала бўйича қарор тендер комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган ҳолларда тендер комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

37. Ҳар бир аниқ ҳолатда тендер комиссияси тендерда қатнашиш учун даъвогар томонидан бериладиган закатли олиш тартиби, миқдори ва шаклини белгилаб беради. Закалат миқдори харид ҳисоб-китоб қийматининг 1-5 фоизи доирасида бўлишига йўл қўйилади. Закалатлар буюртмачи ёки ишчи органнинг ҳисобварағига киритилади (агар ихтисослаштирилган ташкилот ишчи орган бўлиб ҳисобланган ҳолларда). Мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (товар етказиб берувчилари)нинг закатлилари сўмларда олинади.

38. Тендер таклифлари фақат муҳрланган икки қаватли хат жилдда қабул қилинади. Ишчи органнинг номи ва манзили кўрсатилган ташқи хат жилдда тендер қатнашчиси томонидан зақалат берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат, ички хат жилдда – тендер таклифи, савдоси эълон қилинган товарнинг номи ва таклифларни қабул қилиш учун белгиланган сана бўлади.

Барча ҳужжатлар рўйхатга олиш дафтарига топширувчи ва қабул қилиб олувчи шахснинг имзоси билан қабул қилиб олинган сана ва вақт ёзиб қўйилган ҳолда қабул қилинади. Рўйхатга олиш дафтари ип ўтказиб боғланган, тартиб рақами қўйилган ва буюртмачининг ёки ишчи орган (ихтисослаштирилган ташкилот)нинг гербли муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

39. Хат жилдларни очиш тартиби, уларни кўриб чиқиш ва сақлаш тартиби махфийлик меъёрига риоя қилинган ҳолда тендер комиссияси томонидан белгиланади.

40. Тендер комиссияси тендер буюртманомаларини қабул қилишнинг охириги санасини, хат жилдларни очиш вақти ва жойини белгилайди.

Кўрсатиб ўтилган санадан кейин олинган таклифлар кўриб чиқилмайди ва хат жилдлар очилмасдан тендер қатнашчиларига қайтариб юборилади. Тендер қатнашчиси кўрсатиб ўтилган санадан сўнг ўзгартиришлар киритган ёки ўз таклифини қайтариб олган ҳолларда зақалат унга қайтариб берилмайди. Тендер қатнашчиси тендер буюртманомалари қабул қилиб олинadиган охириги санагача кечи билан 5 кун муддатда ўз таклифини қайтариб олиш ҳуқуқига эгадир.

41. Тендер комиссияси мажлисини ўтказиш учун кворум унинг таркибининг 70 фоизини ташкил этади. Тендер комиссиясининг барча мажлислари ва барча қабул қилинган қарорлари протоколлар билан расмийлаштирилиши керак.

Тендер қатнашчиларининг таклифлари солинган хат жилдлар бевосита тендер комиссияси мажлисида очилади. Бундай ҳолларда тендер комиссияси мажлисининг протоколида тендер қатнашчилари томонидан тақдим этилган таклифларнинг тендер ҳужжатларига мувофиқлиги ёзиб қўйилади.

42. Тендер таклифларини кўриб чиқиш муддати тендер комиссияси томонидан хат жилд очилган вақтдан бошлаб белгиланади. Бу муддат сотиб олинadиган товарнинг турига боғлиқ бўлиб уч ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Таклифларни кўриб чиқиш чоғида уларнинг тендер ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги аниқланади, зарур ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўғри расмийлаштирилиши текширилади.

43. Тендер комиссияси тушган таклифларнинг тендер шартларига мувофиқлигини текширади ва тендер шартларида белгиланган, шунингдек

ушбу Низом Х-И бўлимнинг талабларига мувофиқ энг кўп рақобат нархлари, етказиб бериш шартлари, тўлов ва бошқа мезонлар бўйича ғолибларни аниқлайди. (ЎзР ВМ 20.02.2009 й. 50-сон Қарори тахриридаги хат боши)

Шароитлар тенг бўлган бошқа ҳолларда ғолибни аниқлашда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари (етказиб берувчилари)га устунлик берилади.

44. Тендерни ташкил этиш ва ўтказиш харажатлари, шунингдек, эксперт ташкилотларининг хизматлари учун тўловлар қатнашчилар томонидан тендер ҳужжатларини сотиб олиш учун тўланган маблағлардан тўланади.

45. Тендер ўтказилгандан кейин буюртмачи ёки ишчи орган (ихтисослаштирилган ташкилот) қатнашчиларга (ғолиб бундан мустасно) уларнинг закатларини банк операцияларини ўтказиш харажатларини чиқариб ташлаган ҳолда қайтаради. Закалат тендер ғолиби эълон қилинган вақтдан бошлаб белгиланган муддат мобайнида, бироқ 11 банк кунидан кечиктирмай қайтарилади. Тендер ғолибининг закалати контракт шартлари бажарилиб бўлгунга қадар бундай контракт шартларининг тендер ғолиби томонидан керакли тарзда бажарилишига кафолат сифатида буюртмачининг ихтиёрида қолиши мумкин.

46. Тендерда қатнашиш ҳуқуқи бошқа юридик шахсларга берилишига йўл қўйилмайди.

47. Агар:
тендерни ёпиш муддати тугайдиган вақтгача бирорга ҳам тендер таклифи тушмаса;
тендерга фақат биттагина қатнашчининг таклифи тақдим этилса;
тақдим этилган барча тендер таклифларида зарур ҳужжатларнинг пакети бўлмаганда тендер комиссияси томонидан тендер ўтказилмаган деб эълон қилиниши мумкин.

48. Агар тушган тендер таклифларининг бирортаси тендер ҳужжатлари шартларига мувофиқ бўлмаган тақдирда, тендер ўтказилди, аммо салбий натижага эга деб ҳисобланади.

Х. ТЕНДЕР ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ

49. Тендер таклифларини баҳолаш тендер комиссияси томонидан белгиланган муддат мобайнида ўтказилади. Таклифларни баҳолаш тендер комиссияси томонидан белгиланган ҳар бир баҳолаш мезони бўйича балл қўйиш йўли билан амалга оширилади. Тендер қатнашчилари ёки уларнинг

вакиллари тендер таклифларини баҳолаш чоғида қатнашиш ҳуқуқига эга эмас. Баҳолаш чоғида тендер комиссияси тушунтиришлар бериш, қўшимча маълумотлар ва тасдиқлашлар олиш учун даъвогарларни чақириш ҳуқуқига эга. Тендер хулосаларини чиқаришда тендер қатнашчилари ва уларнинг ишончли вакиллари иштирок этиши мумкин.

50. Тендер комиссияси тендер таклифларини баҳолаш учун эксперт ва маслаҳат берувчи ташкилотларнинг вакиллари жалб қилиши мумкин.

51. Тендер қатнашчилари томонидан тақдим этилган таклифлар билан танишгандан кейин тендер комиссиясининг ҳар бир аъзоси асосланган ёзма хулоса бериш ҳуқуқига эга.

52. Тендер ғолиби тўғрисидаги расмий қарор тендер комиссияси томонидан қабул қилинади. Ушбу масала бўйича қарор тендер комиссияси аъзолари сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Тендер комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

53. Тендер таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тўғрисидаги маълумотлар баҳолаш тартиботига расман алоқаси бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Тендер комиссияси аъзолари ва жалб этилган экспертлар мазкур маълумотларнинг ошкор қилиниши учун жавоб берадилар.

54. Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлган тақдирда тендер комиссияси тендер таклифларини қайтариш ёки тендер таклифларини бундан кейин тендерда кўриб чиқиш шартларини, бу ҳақда тендер қатнашчисини хабардор қилган ҳолда, белгилаш ҳуқуқига эга.

55. Тендер таклифларини баҳолаш ва тендер ғолибини аниқлаш: тендер ҳужжатларида баён қилинган мезонларга;

таклиф этилган нархларнинг ўртача жаҳон ва консалтинг фирмаси, ёки Иқтисодийёт вазирлиги хузуридаги Товар бозорлари конъюнктурасини ўрганиш ҳамда инвестиция лойиҳалари ва дастурларини экспертиза қилиш республика маркази ёки Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг хулосалари бўйича бозор конъюнктурасида юзага келган нархларга мослигига асосан амалга оширилади. (ЎзР ВМ 08.09.2005 й. 206-сон Қарори тахриридаги хат боши), (Олдинги тахририга қаранг)

Иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларининг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини

кўшган ҳолда ҳисобланади. (ЎзР ВМ 20.02.2009 й. 50-сон Қарори тахриридаги хат боши)

ЎзР ВМ 20.02.2009 й. 50-сон Қарорига мувофиқ тўртинчи-бешинчи хат-боши тегишли равишда бешинчи-олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин

Шунингдек, тақдим этилган тендер таклифларининг кўшимча техник, ташкилий ва тижорий устунликлари ҳамда тендер қатнашчисининг обрў-эътибори ҳам эътиборга олинishi мумкин.

Бунда, агар тендерда хорижий етказиб берувчилар билан бирга мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари иштирок этса, бу корхоналарга товарлар ва хизматлар давлат хариди (Давлат бюджети, Республика йўл жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси ва ижтимоий соҳа муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари), шунингдек давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналар маблағлари ҳисобига харид қилиш доирасида амалга ошириладиган тендер савдоларида иштирок этганда 20 фоизгача миқдорда нарх имтиёзлари берилади. (ЎзР Президентининг 29.12.2008 й. ПҚ-1024-сон Қарори тахриридаги хат боши)

56. Тендер комиссиясининг тендер ғолиби тўғрисидаги протоколида куйидаги маълумотлар бўлади:

тендер ғолиби ва тендер ғолибидан кейин энг юқори баллга эга бўлган захирадаги қатнашчиларнинг номлари;

тендер комиссиясининг таркиби;

овоз бериш натижалари;

тендер қатнашчиларининг тендер таклифлари жамлама жадвали;

тендер ғолиби билан контрактни имзолаш муддатлари.

Протокол тендер комиссиясининг қатнашаётган аъзолари томонидан имзоланиши ва тендер комиссиясининг раиси томонидан тасдиқланиши керак.

57. Агар тендер ғолиби контракт тузишдан бош торган тақдирда, контракт тузиш ҳуқуқи захирадаги биринчи қатнашчига берилади.

58. Агар тендер бўлиб ўтмаган ёки салбий натижага эга бўлган тақдирда тендер қайтадан ўтказилиши мумкин.

59. Тендерни ўтказиш билан боғлиқ низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

60. Тендер натижалари 3 кун мобайнида ишчи орган томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

**X-I. МАМЛАКАТИМИЗ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИ
(ИШЛАРНИ БАЖАРУВЧИЛАР, ХИЗМАТЛАР
КЎРСАТУВЧИЛАР) УЧУН НАРХ ИМТИЁЗЛАРИ БЕРГАН
ХОЛДА ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЎТКАЗИШДА ТЕНДЕР
ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ
(ЎзР ВМ 20.02.2009 й. 50-сон Қарори тахриридаги бўлим)**

60-1. Ушбу Низомнинг 55-банди олтинчи хатбошида назарда тутилган нарх имтиёзлари тендер савдоларига қўйилган ва улар бевосита товар ишлаб чиқарувчилар (ишлар бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) (кейинги ўринларда мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари деб аталади) эканлигини тасдиқлайдиган зарур ҳужжатларни тендер комиссиясига тақдим қилган мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар)га берилади.

60-2. Тендер иштирокчиси томонидан импорт товарлари етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) билан энг яхши нарх таклиф этилган тақдирда тендер комиссияси мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари таклифлари орасидан кўрсатилган энг яхши нархга камида 20 фоизга оширадиган ва тендер савдолари ва қонун ҳужжатлари шартларига мос келадиган учтагача энг яхши таклифларни танлаб олади. Бунда, қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган тендер иштирокчиси томонидан импорт товарлари етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) билан энг яхши нарх таклиф этилган бўлса мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари таклифларини танлаб олиш учун қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда кўрсатиб ўтилган энг яхши нарх қўлланилади.

Тендер комиссияси бир кун мобайнида танлаб олинган мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари билан навбатма-навбат уларнинг тендер таклифлари нархларини камайтириш юзасидан тўғридан-тўғри музокаралар олиб боради ва музокаралар натижаларини тасдиқлайди. Бунда ҳар бир мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари билан музокаралар натижалари протокол билан расмийлаштирилади ва ғолиб аниқлангунга қадар конфеденциал ҳисобланади.

60-3. Мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари билан тўғридан-тўғри музокаралар натижалари бўйича қуйидагилар:

мамлакатимизнинг бошқа корхоналари-ишлаб чиқарувчиларига нисбатан олиб киришда қўшимча қиймат солиғи тўлаш бўйича имтиёз бериш қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган товарлар (ишлар, хизматлар) турлари бўйича энг яхши нархни таклиф этган;

мамлакатимизнинг бошқа корхоналари-ишлаб чиқарувчиларига нисбатан, лекин қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда

импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича энг яхши нархдан ошмайдиган олиб киришда кўшимча қиймат солиғи тўлашдан озод қилиш бўйича имтиёз қонун ҳужжатларида назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича энг яхши нархни таклиф этган мамлакатимиз корхонаси-ишлаб чиқарувчиси тендер ғолиби деб аниқланади.

60-4. Тендер иштирокчиси томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ кўшимча қиймат солиғи тўлашдан озод қилинадиган импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича энг яхши нарх таклиф этилган бўлса ва мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари билан тўғридан-тўғри музокаралар натижаларига кўра, кўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда кўрсатилган энг яхши нархдан ошмайдиган нархни таклиф этиш мумкин бўлмаган тақдирда, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича энг яхши нарх таклиф этган тендер иштирокчиси тендер ғолиби деб эълон қилинади.

XI. ТЕНДЕР НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ТУЗИЛГАН КОНТРАКТЛАР БАЖАРИЛИШИНING КАФОЛАТИ, РЎЙХАТГА ОЛИНИШИ ВА ИЖРО ЭТИШ МОНИТОРИНГИ

61. Зарурият бўлганда тендер ғолиби контракт бажарилишининг кафолати сифатида контракт умумий суммасининг ўн фоизигача бўлган суммага буюрмачига хизмат кўрсатувчи банк билан вакиллик ҳисобварағига эга бўлган банкнинг кафолати сифатида мажбуриятлар бажарилишини ёки буюртмачининг ҳисобварағига пул депозити ўтказилишини таъминлайди.

62. Тендер натижалари бўйича тузилган импорт контрактларни экспертизадан ўтказиш юқорида кўрсатилган банк кафолатини олиш бўйича буюртмачининг тасдиғи бўлганда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида амалга оширилади. (ЎЗР ВМ 08.09.2005 й. 206-сон Қарори тахриридаги хат боши), (Олдинги тахририга қаранг)

Мамлакатимизнинг ишлаб чиқарувчилари (етказиб берувчилари) ғолиб деб топилганда тендер натижалари бўйича тузилган контрактлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида экспертизадан ўтказилмайди. (ЎЗР ВМ 08.09.2005 й. 206-сон Қарори тахриридаги хат боши), (Олдинги тахририга қаранг)

63. Тендер контрактларини бажариш мониторинги буюртмачи томонидан контрактлар тўлиқ ва ўз вақтида бажарилгунга қадар буюртмачига хизмат кўрсатувчи банкка ахборот тақдим этиш билан амалга оширилади.

ХИ. ЖАВОБГАРЛИК

64. Қуйидагилар:

ишчи орган таркибига кирган шахслар тушган тендер таклифларининг ҳисобга олиниши, уларнинг сақланиши ва махфийлиги учун;

тендер комиссиясининг раиси ва аъзолари маълумотларнинг ошкор қилинмаслиги, тендер қатнашчилари, тендер комиссиясининг қолган аъзолари ва жалб қилинган экспертлар билан тил бириктирилишига йўл қўйилмаслиги, шунингдек бошқа ҳуқуққа зид ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган тарзда жавоб берадилар.

65. Контрактни миқдор, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича бажармаган тендер ғолиби қонун ҳужжатларида ва ёки контрактда назарда тутилган тарзда жавоб беради.

УДК 061.2:[336.64:34

Коллектив составителей:

Ш. М. Асьянов (руководитель), М. Р. Абдулин

Ответственный редактор

Г. В. Корсун

Рецензенты:

Д. Г. Ахрарова

